



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН
МУҲАНДИСЛИК-ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

Касб таълими «Иқтисодиёт» кафедраси

3-КТБҲА-11 гуруҳ талабаси

Азимов Умиджоннинг

**БИТИРУВ
МАЛАКАВИЙ ИШИ**

**МАВЗУ: Касб-хунар коллежларида
“Қимматли қоғозлар бўйича муомалалар ҳисоби ва
аудити” мавзусини интерфаол стратегиялар асосида ўқитиш**

Илмий раҳбар:

и.ф.н., доц..И.Сирожиддинов

Наманган-2015 йил



Мундарижа

Кириш

1-боб. Қимматли қоғозлар ҳисоби

- 1.1. Қимматли қоғозлар мазмуни ва турлари
- 1.2. Қимматли қоғозларнинг ҳақиқий қиймати аниқланиши
- 1.3. Қимматли қоғозларнинг синтетик ва аналитик ҳисоби

2-боб. Корхонадаги қимматли қоғозлар аудити

- 2.1. Қимматли қоғозлар аудитининг асослари ва режалаштирилиши
- 2.2. Қимматли қоғозлар аудитини ўтказиш
- 2.3. Аудит натижаларини расмийлаштириш

3-боб. Қимматли қоғозлар ҳисоби ва аудити мавзусини интерфаол стратегиялар асосида ўқитиш методикаси

- 3.1. Педагогик технологиялар мазмуни ва таркиби
- 3.2. Маъруза машғулоти методикаси
- 3.3. Амалий машғулот методикаси

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати



Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Иқтисодиётнинг эркинлаштирилиш ва жаҳон молиявий инқироzi таъсири шароитларида корхоналарнинг молиявий барқарор фаолият олиб боришларида қимматли қоғозлар муҳим рол ўйнамоқда. Қимматли қоғозлар корхонанинг маблағларида оқилона фойдаланишга, ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга, корхонанинг рақобатбардошлигини оширишга имкон беради. Президентимиз И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларига ва 2015 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифларига бағишланган мажлисидаги ўзининг “2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир” мавзусидаги маърузасида (2015 йил, 16 январь. Халқ сўзи, 2015 йил, 17 январь.) олға сурилган вазифаларни бажаришда мазкур молиявий дастаклардан фойдаланиш муҳим ўрин тутади.

Қимматли қоғозлар келажак даврларда ҳам барқарор ва жадал ривожланишини таъмин этади. Шунга мувофиқ ҳолда ҳозирда улардан кенг фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Буларнинг ҳаммаси уларнинг ҳисоби ва аудити билан боғлиқ масалаларнинг долзарб аҳамият касб этишини белгиламоқда.


Мавзунинг ўрганилганлиги. Мамлакатимизда қимматли қоғозлар ҳисоби ва аудити масалалари алоҳида масала сифатида ўрганиб чиқилмаган бўлсада, унинг турли жиҳатлари бухгалтерия ҳисоби бўйича дарсликлар, ўқув қўлланмалари, илмий монографиялар ва мақолаларда муҳокама этиб келинмоқда.

Шу нуқтаи назардан, тадқиқ этилаётган мавзуга оид жиҳатлар А.Сотволдиев, А. Пардаев, Б.Ҳошимов, А. Каримов, Ф. Ғуломова, И. Завалишина, О. Бобожонов, Р. Жуманиёзов, Т.Маликов, Р. Дусмуродов ва бошқалар томонидан ёритилганлигини қайд этиш мумкин.

Ишнинг мақсад ва вазифалари. Ишнинг мақсади корхоналарда қимматли қоғозлар ҳисоби ва аудити масалаларини ўрганиб чиқишдан иборат.

Мувофиқ равишда иш олдида қуйидаги вазифалар қўйилади:

- жаҳон молиявий инқироzi шароитларида корхона қимматли қоғозлари моҳияти ва турларини ўрганиб чиқиш;
- корхона қимматли қоғозларининг баҳоланиши ва ўлчанишини ёритиш;
- корхона қимматли қоғозларининг ва улардан даромаднинг синтетик ва аналитик ҳисобини тавсифлаш;
- корхона қимматли қоғозлари аудитининг асослари ва режалаштирилишини асослаб бериш;



- қимматли қоғозлар аудитини ўтказишни таърифлаш.

Ишнинг методологик асосини Президент И.А. Каримовнинг иқтисодий ислохотлар йўналишлари асослаб берилган асарлари, мамлакатимизнинг солиқ ва бухгалтерия ҳисоби қонунчилиги, бухгалтерия ҳисоби фанининг назарий қоидалари ташкил этади.

Битирув ишини бажаришда илмий абстракциялаш, анализ ва синтез, индукция ва дедукция, мантикий ёндашув усуллари қўлланган.

Ишнинг предмети қимматли қоғозлар ҳисоби ва аудити билан боғлиқ масалалардир.

Ишнинг натижаларидан корхоналарда қимматли қоғозлар ҳисоби ва аудитини олиб боришда фойдаланиш мумкин.

Ишнинг таркиби ва ҳажми. Битирув-малакавий иш кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланишган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, бетда баён этилган.


Киришда мавзунинг долзарблиги, ўрганилганлиги, мақсад ва вазифалари ёритилган.

Биринчи бобда қимматли қоғозлар ҳисобини ташкил этиш ёритилган.

Иккинчи бобда корхона қимматли қоғозлари аудити тадқиқ қилинган.

Учинчи бобда эса, мавзуни ўқитишда илғор педагогик технологияларни қўллаш масалалари ва мавзуни ўқитиш методикаси ишлаб чиқилган.

Хулосада ишнинг умумий натижалари акс эттирилган.



1-боб. Қимматли қоғозлар ҳисоби

1.1. Қимматли қоғозлар мазмуни ва турлари

Жаҳон молиявий инқирози шароити мамлакатимиз иқтисодий тараккиётига ҳам муҳим равишда таъсир этмоқда. Бундай шароитларда иқтисодиётни жадал ривожлантириш одамлар ташаббуси ва амалий фаолиятига чинаккам эркинлик беришни ва юксак унум билан меҳнат қилиш омилларини ишга солишни талаб қилади, Бу вазифаларни муваффақиятли бажариш учун ишлаб чиқаришни ҳар томонлама жадаллаштириш ва унинг иқтисодий самарадорлигини ошириш борасида белгиланган чора-тадбирлар каторида халқ хўжалигини бошқаришни янада такомиллаштириш, хўжалик механизмини бозор иқтисодига мослаштириш имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш учун имкон берадиган самарали ва ихчам бошқариш тизимини яратиш долзарб аҳамиятга эга бўлмоқда.

Жаҳон молиявий инқирозининг салбий таъсирини бартараф этиш чоралари ҳар бир корхона фаолиятининг муваффақиятли олиб борилшини таъминлашга қаратилгандир. Бу чоралар нафақат ўз маҳсулотлари ва хизматларининг бозорда тутган ўрни (мавқей) ни, шунингдек, харажатларни назорат қилишни, қабул қилинган бошқарув қарорларининг самарадорлигини муттасил текширишни, ўзгарувчан бозор шароитида корхонанинг ўз ҳуқуқ ва имкониятларидан максимал фойдаланишни назарда тутди.

Шу ўринда корхонанинг вақтинча ишлатилмаётган молиявий ресурсларини ишга солиш жуда зарур. Корхонанинг вақтинча бўш тўрган пул маблағларидан самарали фойдаланиш усулларида бири - бу уларни қимматли қоғозлар сотиб олишга йўналтиришдир.

Маблағларни қимматли қоғозларга йўналтириш ўз тавсифига кўра юқори таваккалчилик фаолияти билан боғлиқ бўлиб, таваккалчилик даражасини имкони борича пасайтириш мақсадида эмитентнинг молиявий ҳолатини ва бозор конъюнктурасини билиш фонд биржаси маълумотларини мунтазам равишда мониторинг қилиб туришни тақазо этади.

Қимматли қоғозлар муомала жараёнида учта босқичдан ўтади. Булардан биринчиси, **эмиссия босқичи** бўлиб, унда қимматли қоғозлар бирламчи жойлаштирилади ва ўзининг биринчи эгаси (андеррайтинг ёки инвестор)га ўтади. Иккинчи босқич деганда, уларнинг иккиламчи, яъни **актив бозордаги ҳаракати** тушунилади. Якуний - учинчи босқичда **қимматли қоғозларнинг сўндирилиши** (эмитент томонидан қай-тариб олиниши) амалга оширилади. Ушбу муомала жараёнида қимматли қоғозлар ҳаракати фонд биржаларида амалга оширилиб, вақтга тесқари мутаносиб (пропорционал) равишда номинал ва ҳақиқий (бозор) нархлари ўзгаради. Ушбу ўзгариш иқтисодиётда бозор котировкаси деб ҳам аталади.

Фонд биржалари ва биржадан ташқари бозорларда фаол савдо қилинадиган акциялар ва облигациялар бозор котировкасига эга қимматли қоғозлар деб аталади, уларнинг котировкаси эса кенг чоп этилади. Бундай



қимматли қоғозларнинг рўйхати қимматли қоғозлар (фонд) биржаси эксперт комиссияси томонидан эълон қилинади. Бунда қимматли қоғозлар жавоб бериши лозим бўлган қуйидаги мезонларга қаралади: биржа савдосига рухсат этиш шартлари (листинг шартлари) га мос келиш; битта фонд биржасида расмий котировка қилишга рухсат этиш.

Корхонанинг қимматли қоғозлар листингига киритилишидан мақсад тавсия этилаётган қимматли қоғозлар сифати ҳақида потенциал инвесторларга аниқ тасаввур беришдир. Бозор иштирокчилари эмитентнинг иқтисодий ривожланиш истиқболларини ва шу билан бирга унинг қимматли қоғозлари ишончлилигини баҳолаш имкониятларига эга бўлишлари лозим.

Таъкидлаш лозимки, қимматли қоғозлар билан биржада савдо қилишга рухсат этиш учун корхона ишлаб чиқариш жараёнлари ва бошқарувининг энг муҳим соҳаларини таҳлил қилиш зарур. Бунда таҳлил қуйидаги ахборотларни умумлаштириш ва ишлашга таянади: устав капиталининг миқдори, битта акцияга тўғри келадиган даромад, хавф-хатарни баҳолаш, бозорнинг ҳолати, ишлаб чиқариш самарадорлиги, тўлов қобилияти ва пул маблағлари билан таъминланганлик.


Эмитент фаолиятига хос бўлган хавф-хатарни баҳолаш иқтисодиёт учун мазкур тармоқ аҳамиятидан келиб чиқиб кузатилаётган тенденциялар, «бошланғич» ривожланишнинг осон ёки қийинлиги, даромад негизининг хилма-хиллиги, давлат томонидан тартибга солиб туришни ҳисобга олган ҳолда аниқланади. Шунингдек, корхона маҳсулотларининг ташқи бозордаги рақобатбардошлиги, инфляция ўсишининг кутилаётган суръатларини ва ишлаб чиқариш ташкилий-техникавий даражасининг кўрсаткичлари; капитал сифими, хом ашё ва меҳнат ресурслари билан таъминланганлик, ишлаб чиқаришнинг концентрациялашуви ва ихтисослашганлиги.

Корхона фаолият олиб бораётган бозорнинг ҳолати тўғрисидаги ахборот корхона маҳсулотларини асосий йўналишлари бўйича сотишни, ўтмишдаги тажрибани ва келажакдаги истиқболни ҳисобга олган ҳолда таҳлил қилишни кўзда тутди. Маҳсулотлар ҳаётийлик циклининг узунлиги ёки қисқалиги, янгилиги, муҳимлиги позициясидан туриб тадбиркорлик ва ишланмаларни ривожлантириш ҳамда маркетинг имкониятлари баҳоланади.

Корхонада ишлаб чиқариш самарадорлигини таҳлил қилишда биринчи навбатда, харажат ва натижалар нисбати, бу нисбатни бир меъёردа тутиб туриш ва яхшилаш лаёқати баҳоланади.

Ишлаб чиқариш харажатлари структураси батафсил таҳлил қилинганидан сўнг асосий ишлаб чиқариш фондларининг фаолияти, материал ва меҳнат ресурслари кўриб чиқилади.

Бошқарув самарадорлигини баҳолашда: ишлаб чиқариш ва молиявий муомалалар натижалари пухта таҳлил қилинади; корхона фаолиятини стратегик ва жорий режалаштиришнинг сифати; режаларнинг комплекслиги ва улар бажарилишининг сифати; ички бошқарув, молиявий, шунингдек ташқи назорат ҳам баҳоланади. Корхонанинг фирмалар билан қўшилиб кетиши, бошқа компанияларни ўзига қўшиб олиш, бошқа фирмаларни сотиб



олиш ҳисобига кенгайиш имкониятлари кўриб чиқилади. Номоддий активлар, бошқарув, ташкилий ресурслар, фирманинг бозордаги амалий шуҳрати, СОТИШ шаҳобчаларини назорат қилиш ва шу қабилар алоҳида баҳоланади. Ҳисобни таҳлил қилишда ҳисоб юритиш сиёсати, асосий воситалар ва номоддий активларга амортизация ҳисоблашда қўлланиладиган методлар, моддий қийматликларни баҳолаш, даромадларни аниқлаш ва бошқалар ўмумий тарзда баҳоланади. Шунингдек, фирма молиявий аҳволини акс эттиришнинг тўлалиги кўриб чиқилади.


Даромадлиликни таҳлил қилиш корхонанинг узоқ келажақдаги даромадлилигини, солиқларни тўлашда олдинги ва кейинги капиталга тўғри келадиган даромадларни тавсифлайдиган асосий кўрсаткичларни кўриб чиқишни назарда тутди. Инфляция ва ўз-ўзини молиялаштириш имкониятлари ўсишининг таъсири баҳоланади. Тўловга лаёқатлиликини таҳлил қилиш корхона қисқа муддатли ва узоқ муддатли қарзлари таркибини, кредитор қарзларни ўрганиб чиқиш, ўз айланма маблағларининг таркиби ва манбаларининг қўшимча ўсишини ўрганишдан иборат. Корхона жами қарзларининг ўз капиталига нисбати динамикаси яъни капитал структураси коэффицентлари; пул маблағлари ва бошқа жорий активларнинг жорий мажбуриятларига нисбати, яъни тез ва мутлоқ ликвидлик коэффицентлари аниқланади ва баҳоланади.

Пул маблағлари билан таъминланганлик корхонанинг барча эҳтиёжларини ўз маблағлари билан қондира олиш имконини билдиради. Бундай имкониятни баҳолаш бир неча йиллардаги нақд пуллар ҳаракати режасини ва ҳисоботини шунингдек, капитал инвестицияларга бўлган эҳтиёжни ва бошқаларни таҳлил қилиш иўли билан амалга оширилади.

Кўриниб турибдики, ўз қимматли қоғозларини биржага чиқариш ҳақида қарор қабул қилган корхона бозорда яхши шароитларга шунингдек, яқин келажақдаги ривожлантиришнинг аниқ стратегияси, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг замонавий технологияси, ишлаб чиқариш ва менежментнинг юқори савияда ташкил этилишига эга бўлиши лозим.

Расмий равишда котировка қилишга рухсат этиш, корхонада мустақил аудиторлик компаниялари томонидан ишонч лилиги тасдиқланган ҳисоботларни тақдим этиш бўйича маълум мажбуриятлар бажарилишини ва асосий ҳисобот кўрсаткичларини расмий биржа бюлеттенларида чоп этилишини кўзда тутди.

Ушбу барча чораларнинг қатъийлиги акциядорларни максимал ҳимоя қилиш билан боғлиқ. Шунинг учун аудитор қимматли қоғозларни инвентаризация қилишда уларнинг эмитентларини ва расмий биржа котировкасининг мавжудлигини пухта таҳлил қилиши зарур. Агар корхона маблағларига қўйилган қимматли қоғозлар фонд биржаларида муомалада бўлмаса ва бозор котировкасига эга бўлмаса, у ҳолда аудитор бундай қимматли қоғозларни сотиб олишда вужудга келадиган хавф-хатарларни баҳолаши зарур. Бунда аудитор қимматли қоғозларнинг ҳақиқий сотиб олиш баҳосини уларнинг даромадлилигини таҳлил қилишда асос бўладиган



муқобил курси билан қиёслаши зарур. Афсуски, бизнинг амалиётимиз даромадлиликни бундай таҳлил қилиш ўтказилмаяпти. Шуни инобатга олган ҳолда, қимматли қоғозлар бозори ривожланган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиш мумкин.

Бу қуйидагиларни кўзда тутати:


-солиқлар чегириб ташланганидан сўнг таққосланувчан, тасодифий, вақти-вақти билан ўзгариб турмайдиган даромад миқдори аниқланади. Бу миқдор битта акцияга ҳисоблаб чиқарилади;

-таққосланаётган корхоналар акциялари бозорининг ўртача фойдалилигига йуналтирилган фойда мультипликатори ҳисоблаб чиқарилади. Шу билан бирга мультипошкаторга ўсиш динамикаси, капитал бозорида машхурлик даражаси, молиявий шароитлар, дивидендлар ҳажми ва бошқа алоҳида ишлаб чиқарилган тармоқлар каби жабҳалар ҳам киритилади. Корхонада эмитентнинг молиявий ҳисоботи йўқ бўлса, бундай таҳлилни ўтказиш имкони бўлмайти. Аудитор бу ҳолда биржада котировка қилинмаган акцияларга инвестициялар қилиш ҳақида қарор нимага асосан қабул қилинганлиги, корхона раҳбарияти ва ички аудиторлик хизмати томонидан ҳисоботлар ва эмитентнинг ҳозирги ва келажакдаги молиявий ҳолати таҳлил қилинганлиги билан ҳам танишиши зарур.

Молиявий инвестициялар инфляция шароитида пул маблағлари қадрсизланишининг олдини олиш, қўшимча даромад олиш ва бошқа корхона фаолияти устидан назорат ўрнатиш мақсадйда амалга оширилади.

Жаҳон молиявий инқирози шароитида мулкчилик шаклидан катъий назар корхона, ташкилот, фирма ва жисмоний шахсларнинг хўжалик фаолиятини муваффақиятли юритиш Қимматли қоғозлардан фойдаланишга боғлиқ, Яъни ҳозирда барча корхона, ташкилотлар ўз фаолияти давомида Қимматли қоғозлардан канчалик самарали фойдаланса унинг рентабеллик даражаси ошади ҳамда унинг ривожланиш истикболини белгилаб беради. Қимматли қоғозлар биринчи навбатда реал хўжалик ҳисобини жорий этиш имконини беради, ўз харажатларини узи коплаш, узини узи маблағ билан таъминлаш, давлат корхоналари билан бир қаторда кичик, мустикал жамоа, кушма ва шахсий корхоналар тузишга яқиндан кумак беради. Купчилик хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолият юритишида инвестиция фаолияти муҳим унсур бўлиб ҳисобланади. Бозор иктисодиёти шароитида хўжалик юритувчи субъектлар ўз маблағларидан унумли фойдаланишлари лозим, яъни бошқа субъектлар фаолиятига фойда олиш мақсадида маблағ киритишлари керак бўлади. Даромад олишнинг усулларида бири бошқа субъектларнинг фойда таксимотида иштирок этиш учун вақтинчалик буш турган маблағларни инвестициялашдир. Инвестиция деганда бошқа хўжалик фаолиятига маълум бир давр оралигида иктисодий фойда улуш сармоя киритиш тушинилади.

Қимматли қоғозлар, уларни таснифлаш ва ҳисобга олиш усули тўғрисидаги тушунча, ҳамда уларга оид ахборотни молиявий ҳисоботларда акс эттириш “Қимматли қоғозлар ҳисоби” номли 12 –сон БХМС талабларига



мувофиқ ҳисобга олиб борилади. Бу стандартларга мувофиқ Қимматли қоғозлар-бу даромад олиш, фоизлар, роялти, дивидент ва ижара ҳақи сингари ва асосий капитал киймати кўпайтириш ёки инвестиция қилувчи компания бошқа иқтисодий фойда олиш мақсадида унинг тасарруфида бўлган корхона активларидир” деган таъриф келтирилган. Шунинг эътиборига олиш лозимки, 4 ва 5 сон БХМА ларида белгиланган қўғирчиликка эга товар моддий захиралар, асосий воситалар Қимматли қоғозлар бўлиб ҳисобланмайдилар.

Хўжалик юритувчи субъектлар инвестицияларга турли мақсадларда эғалик қиладилар. Айримлар учун инвестиция фаолияти фаолият юритишнинг (масалан, сугурта компаниялари ва айрим банкларда) асосий унсурлардан бўлиб ҳисобланади. Бунда айрим инвестициялар сертификатлар билан тақдим этилиши мумкин, бошқалари эса йўқ. Уларнинг моҳияти, ўз эғасига тегишли бўлган ва одатда фоизлар келтирувчи пул суммасини узида акс эттирувчи қисқа муддатли ва узок муддатли савдо мажбуриятларидан бошқа ҳил мажбуриятлар шаклида тақдим этилиши мумкин. Бошқа томондан, инвестициялар узида субъект даромадида қатнашиш улушини акс эттириши ҳам мумкин. Масалан акциядорлик капитали (акциялар)да қатнашиш улушини.

Айрим инвестициялар учун уларнинг бозор баҳоси белгиланиши мумкин бўлган фаол бозор ҳам мавжуд. Қучмас мулкка, яъни ер участкалари ёки иморатларга оид инвестициялар ҳам бўлади, улар моҳиятига кўра инвестицияланаётган субъектнинг ёки инвестицияланаётган субъектлар ҳам қиритиладиган айни уша гуруҳга қирувчи субъектнинг ишлаб чиқариш фаолиятида қўғирчиланмайдиган, балки даромад олиш мақсадида ижарага берилади

Қимматли қоғозларга субъектнинг давлат қимматли қўғирчлари (облигациялар сертификатлар ва бошқалар)га оид инвестициялари шунингдек, ўзга юридик ва жисмоний ишталган шаклларда берилган қарзлар қиради. Қимматли қоғозларнинг ўзига ҳос шакли бўлиб, ўз акцияларини ёки ўз устав қимматидаги қатнашиш улушини сотиб олишга оид хўжалик юритувчи субъектнинг қаржларини ҳисобланадилар.

Қимматли қоғозларнинг иқтисодиётдаги роли ва аҳамиятини бизнинг фикримизча ўқ томонлама қўғирч утиш мумкин. Биринчидан, фаолиятини юритиш ва уни ривожлантириш учун маблағ излаётган хўжалик юритувчи субъект инвесторларни жалб этиш орқали қарзлар маблағ билан таъминланиб, фаолиятини янада ривожлантиришга эришади ва табиийки, молиявий ҳолати яхшиланиб, юқори қўғирчқичга эришиши орқали қарзлар ва давлат олдидаги қўғирчини ўққалайди ҳамда солиқ суммаларини тулаш орқали бюджетга ўз улушини қўшади. Иккинчи томондан эса, вақтинча бўш маблағларга эга бўлган субъект ўни инвестиция сифатида жалб этиши орқали маълум бир миқдорда ижобий молиявий қўғирчқичга эга бўлади ҳамда ўндан солиқ суммаларини тулаш орқали қарзлар ва давлат олдидаги ўз қўғирчини ўтайди. Ўчинчи томондан давлат қўғирчманда қўғирчнани маблағ билан



таъминлашдан озод бўлади ҳамда инвестицияни жалб этган ва инвестиция сифатида маблағини қўйган субъектларнинг молиявий фаолияти ривожланишидан манфаатдор бўлади.

Юқоридагилардан мулоҳаза қилиб, шунинг таъкидлаш мумкинки, инвестицион фаолият жамият учун, халқ хўжалигини ривожлантириш учун муҳим аҳамият касб этади. Бизнинг фикримизча, хорижий инвесторларни мамлакатимиз инвестицион фаолиятига янада кенгрок жалб этиш ҳам муҳим заруриятлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Қимматли қоғозлар муддатига кўра узок ва киска муддатли инвестицияларга бўлинади.

Киска муддатли еки жорий инвестициялар узида муомала муддати 12 ойдан ошмайдиган енгил сотиладиган моддий активларнинг харид қилинишига оид харажатларни акс эттиради. Улар бухгалтерия ҳисобида 5810 “Қиска муддатли Қимматли қоғозлар” баланс ҳисобида оборот маблағлар сифатида қуйидагиларни акс эттиради:

- облигациялар, давлат ва маҳаллий қарзлар турли қорхоналар ва тадбиркорларнинг шунга ухшаш қимматли қозғаларини олишга оид киска муддатли харажатлар қаракати ва қолдиқлари;

- банкнинг депозит ҳисобида еки узга қил айна ухшаш қўйилмаларнига жалб қилинган қул маблағларининг қаракати ва қолдиқлари;

- қисмоний ва қуридик шахсларга берилган киска муддатли қул ва узга қил қарзларнинг қаракати;

Жорий инвестициялар қлуши еки қарзни қимматбаҳо қозғалар қуринишида бўлади. Қлушли қимматбаҳо қозғалар яъни акциялар молиявий инструменти сифатида, қулк (қаптал) сотиш еки олиш ва унга эгалик қилиш ҳуқуқини тасдиқлайдиган ҳужжат бўлиб ҳисобланади. Қлушли қимматли қозғалар одатда оддий ва имтиёзли акцияларга бўлинади.


Оддий акциялар - бу унинг эгасига қорпорацияга шериклик қилиш шунингдек унинг активларига эгалик қилиш ҳуқуқини берадиган қимматбаҳо қозғалар.

Имтиёзли акция - акциянинг узгача тури ҳисобланиб, одатда олдиндан дивидент даражаси белгиланиб, унинг эгалари оддий акцияга нисбатан қомпания фойда активларидан устунроқ фойдаланиш ҳуқуқига эгаси бўлишини акс эттирадиган ҳужжатдир.

Қарзли қимматбаҳо қозғаларга облигациялар, ҳазина векселлари, депозит сертификатлари қиради. Облигация –бу молиявий инструменти бўлиб, инвестор олдидаги эмитентнинг мажбуриятини ифодалайди. Облигациялар белгиланган муддатда қўланиши ҳамда фойзаларни маълум давр мобайнида қулаб қорилиши талаб қилинади. Облигация эгалари қомпанияда унинг қлушини ифодаловчи сертификатга эга бўлади.

Облигацияларнинг қуйидаги турлари мажуд :

- а)таъминланган - фойзаларни қулашни қафолатлаш мақсадида маълум ўз активлари орқали қўлашни билдиради.



б) таъминланмаган – оддий кредит сифатида чиқарилади ва даъво ҳуқуқи мавжуд эмас.

в) мустаҳкамланган - бир вақтда чиқарилган облигацияларнинг ҳаммаси бир вақтда тўланади.

г) сериялаб тўланадиган - облигациялар маълум бир давр оралиғида қисман тўланади.

д) қайд этилган – эмитент китобига унинг эгасининг исми ва ўзи қайд этилади.

е) купонли (қайд этилмайдиган) - фоизлар суммаси ва уларнинг тўлов муддатлари ёзиладиган купонли облигациялар.

Узок муддатли молиявий қўйилмалар – бу узок муоммала муддатига эга булган (12 ойдан ортиқ) активларнинг сотиб олинishiга оид қўйилмалардир. Улар бухгалтерия ҳисобида 06-“Узок муддатли молиявий қўйилмалар” баланс счётида узок муддатли активлар сифатида, қуйидагиларни ҳисобга олган ҳолда юритилади:

- бошқа акциядорлик жамиятлари акция ва бошқа субъектларнинг, шу жумладан шубба субъектларининг устав капиталларига оид узок муддатли қўйилма мавжудлиги ва ҳаракати;

- давлат ва маҳаллий қарзлар облигациялар сертификатлар ва тижорат банклари, хўжалик юритувчи субъектлар ва тадбиркорлик тузилмаларининг шунга ухшаш қимматли қоғозларига оид узок муддатли инвестициялар;

- субъектларга, узга хил тадбиркорлик тузилмаларига берилган узок муддатли пул ва бошқа қарзларга оид қарзлар ҳаракати.


Шунингдек, молиявий қўйилмаларни қаерда ва нимага сарфланишига кўра турларга ажратиш лозим. Масалан, қишлоқ хўжалигидаги асосий воситаларга еки саноатдаги материаллар олинishiга кўра, сарфланишига туркумланиши мумкин. Бу йул орқали киритилаётган қўйилмаларнинг қанчалик самара келтираётганлигини ёхуд унинг истиқболини ҳамда унинг сарфланиши устидаги қучли назоратни аниқлаш мумкин. Яъни бу усул ҳозирги ривожланаётган бозор иқтисоди шароитида ўз маблағларидан янада самаралироқ фойдаланиш имконини яратиш билан бирга ривожланишга муҳтож соҳаларни ривожланишга олиб келади.

1.2. Қимматли қоғозларнинг баҳоланиши

Молиявий инвестициялар бухгалтерия ҳисоби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 23 декабрда 65-сон билан тасдиқланган ва Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 16 январда 596-сон билан рўйхатга олинган 12-сонли “Молиявий инвестицияларни ҳисобга олиш” номли БҲМС билан тартибга солинади.

Қимматли қоғозлар уулиш муддатига кўра жорий (қиска муддатли) ва Узок муддатлиларга ажратилади.

Олинган пайтдан кейин қорхона томонидан бир йил давомида сотиш (пул маблағларига айлантириш) га мўлжалланган қимматли қоғозлар қиска



муддатли ёки юуори даражада ликвидлик қобилиятига эга қимматли қоғозлар деб, ушбу қоғозларни сотиб олишга сарфланган қўйилмалар эса - қисқа муддатли қўйилмалар деб аталади .

Узоқ муддатли қимматли қоғозлар - бу бир неча йил муддати давомида фойдаланиш учун сотиб олинган қимматли қоғозларга таснифланади.

Қарздоаликка оид қимматли қоғозларлар корхона -эмитент (қимматли қоғозларларни чиқарувчи) инвесторга (қимматли қоғозларни сотиб олувчи корхона) нисбатан бўлган қарздорлик шаклини ифодалайди. Шундай уилиб белгиланган тўлов муддати келгандан кейин эмитент инвесторга маълум суммани қайтариши ва белгиланган ставка бўйича фоиз тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Қарздорликка оид қимматли қоғозлар эмитент мулкига эгалик қилиш ҳуқуқини таснифловчи гувоҳнома бўлиб ҳисобланмайди.

Улушни ифодалайдиган қимматли қоғоз инвестор томонидан эмитент мулкидаги улуши (капитали) га эгалик қимматли қилиш ҳуқуқини тасдиқлайди.


Қимматли қоғозлар турлар бўйича қуйидагича гуруҳланади: қимматли қоғозлар (акциялар, облигациялар, сертификатлар, давлат ва маҳаллий фоиз заёмлари) га инвестициялар, шуъба хўжалик жамиятларига инвестициялар, қарам хўжалик жамиятига инвестициялар, чет эл капиталига эга бўлган корхоналарга инвестициялар ва бошқа инвестициялар.

Қимматли қоғозларни баҳолашда асосан, номинал, эмиссион, бозор, тугатилиш, баланс, дисконт ва қийматларнинг бошқа турлари қўлланилади.

Қимматли қоғозларни баҳолашнинг қайси турларини қўллаш уларни ҳисобга олувчи субъект мақомига боғлиқ бўлади, чунки эмитент учун баҳолашнинг маълум бир хили хос бўлса, инвесторлар учун бошқа тури хосдир. Хусусан, эмитент чиқарган қимматли қоғозлар номинал, эмиссион, бозор, сотиб олинган, тугатилиш қийматларида ҳамда соф активлардан келиб чикган ҳолда, акциялар қийматида акс эттирилса, номинал, бозор ва қайта баҳолаш қийматлари инвестор учун баҳолашнинг асосий турлари саналади.

Номинал қиймат, асосан акция ва облигацияларнинг мажбурий реквизити сифатида мавжуд бўлиб, у эмиссия жараёнида, яъни қимматли қоғозларнинг бирламчи жойлаштирилиш босқичига хосдир. Масалан, акциянинг номинал қиймати корхонанинг устав капиталини шакллантириш даврида, унинг канча қисми ҳар бир акцияга тўғри келишини курсатса, облигацияларнинг номинал қиймати, ўз навбатида, эмитент олган қарзнинг муддати тугаши билан кредиторга канча тулаш лозимлигини курсатади.

Эмиссион қиймат деганда, қимматли қоғозларнинг бирламчи жойлаштириш жараёнида, эмитент томонидан таклиф этилаётган қиймат тушунилади. Шу уринда эмиссион қиймат қимматли қоғозларнинг номинал қиймати билан мос келиши ёки мос келмаслиги ҳам мумкин.



Бухгалтерия ҳисобининг 12-сонли “Молиявий инвестициялар ҳисоби” Миллий стандартига мувофиқ, бозор қиймати-бу актив бозорда аниқланадиган инвестициялар суммасидир.

Қимматли қоғозларнинг бозор қийматини бухгалтерия ҳисобида акс эттирилиши, мавжуд меъёрий хужжатларда уни шаклланиш механизми сифатида ҳисобга олиш услуги ишлаб чиқарилмаганлиги кузга ташланади. Чунончи, бухгалтерия ҳисобининг 12-сонли миллий стандартига асосан, корхоналарнинг акция ва бошқа қимматли қоғозларнинг бозор қийматида баҳолашда биржа ёки махсус кимошди савдолари котировкасини мунтазам чоп этилган ҳолатда олиш мумкинлиги курсатилган. Бундай ҳолда, амалдаги қонунчиликда баъзи бир ноаниқликларни учратиш мумкин:

- биринчидан, алоҳида утказилаётган махсус кимошди савдолари, тасодифий ёки атайин уюштирилган ажиотаж ҳолатни уйғотиш мақсадида шаклланган баҳоларни қимматли қоғознинг бозор қиймати (уни қайта баҳолашда ишлатиш мақсадида) деб қараш мумкин;

- иккинчидан, нима учун биржадан ташки савдо натижалари (махсус кимошди савдоларидан ташқари) га бозор қиймати сифатида қараш мумкин эмас. Агарда, бир хил қимматли қоғозларнинг бир нечта биржа ва биржадан ташқари майдончаларда мунтазам ёки даврий сотилиш мумкинлигини инобатга олсак, масала бундан ҳам чигаллашади.

Сотиб олиш қиймати - эмитентнинг бозор конъюнктурасини узгариши билан боғлиқ бўлиб, ўз акцияларини сотиб олиши ёки облигацияларини муддатидан илгари сотиб олиш учун тулайдиган суммадир. Сотиб олиш қиймати бозор ёки номинал қиймати билан мос келиши ёки ҳисоб-китоб йули билан ҳам аниқланиши мумкин.

Ўз акцияларини баҳолаш соф активлар қийматидан келиб чиққан ҳолда, бир дона акцияга тўғри келадиган ўз маблағлари ҳажмини белгилайди. ўз акциялари қиймати соф активлар қийматидан келиб чиққан ҳолда, баланс қиймати номини олди.

Бироқ БХМС га мувофиқ, “Баланс қиймати - ҳисобот давридаги бухгалтерия балансида курсатилган актив ва мажбуриятлар қиймати” ни ифодалайди. Шунинг учун, “акцияларнинг баланс қиймати” иборасини қўллаш мобайнида ўз акцияларининг қиймати соф активлар қийматидан келиб чиқиши керакми ёки акцияларни ҳисобга олиш буйича умумкабул қилинган усулга ёндошиш керакми, деган савол тугилиши табиийдир.

Шуни айтиш жоизки, ҳозирда, бухгалтерия ҳисобининг 12-сонли миллий стандартида узоқ муддатли молиявий инвестицияларни қайта баҳолаш қийматида, молиявий ҳисоботларда акс эттириш мумкинлиги курсатилган булсада, уни ҳисоблаш тартиби факатгина хусусийлаштирилган инвестиция фондлари учун ишлаб чиқилган.

Шуларни ҳисобга олиб, молиявий инвестициялар билан ишловчи корхоналарда уларни қайта баҳолаш усулини ҳар бир корхона узининг ҳисоб сиёсатига киритиши мумкин ва у қуйидагича амалга оширилса, мақсадга мувофиқ булар эди деб ҳисоблаймиз:



- узоқ муддатли молиявий инвестицияларни қайта баҳолаш даври, яъни ҳисобот даври тугагандан кейинги ойнинг 1-куни маълумотлари буйича амалга оширилади. Акция эгаларининг ташаббуси билан даврийлик, ҳар ойни ташкил этиши ҳам мумкин ва ушбу маълумот барча акциядорларга етказилиши таъминланиши керак;

- алоҳида олинган эмитент акцияларининг биринчи маротаба қайта баҳоланиши акцияларга ёзилиши ва ёзилган сунги баҳоларнинг уртачаси олиниши мумкин;

- корхона ихтиёрида бўлган фаол бозорда ҳаракатланувчи ва листингга киритилган ҳар қандай қимматли қоғозлар баҳоси, охириги қайта баҳоланишдан сунг вужудга келган баҳоларнинг ўртача қиймати сифатида олиниши мумкин;

- агарда корхона ихтиёридаги қимматли қоғозлар бир неча фаол бозорда ҳаракатда бўлган бўлса, у ҳолда алоҳида қимматли қоғозлар билан тузилган битимларнинг энг кўп ҳажмидаги бозор маълумотлари қайта баҳолашга асос қилиб олиниши мумкин;

- қимматли қоғозларнинг фаол бозори мавжуд бўлмаган ҳолда, алоҳида олинган қимматли қоғоз билан камида 2та инвестор (эмитентдан ташқари) битим тузса ва ушбу битимларнинг ҳажми бирламчи эмиссиянинг 5 % идан ошсагина, мазкур қимматли қоғозларни бозор қийматида қайта баҳолаш мумкин.

Молиявий инвестициялар таркибида ҳисобга олинадиган қимматли қоғозларни баҳолаш асосан 3 боскичда амалга оширилади: уларни ҳисобга олишда, қимматли қоғозларнинг инвестор портфелида бўлган даври мобайнида, инвестор балансидан қимматли қоғозларни учириниш даврида.

1997-йил 15 январдаги Молия Вазирлиги буйругининг 2-илоvasи ва бухгалтерия ҳисобининг 12-сонли Миллий Стандартига мувофиқ, молиявий инвестициялар бухгалтерия ҳисобига инвестор учун килинган харажатларнинг ҳақиқий қийматида қабул қилинади. Бу буйрукка асосан, қимматли қоғозларни сотиб олишга кетган ҳақиқий харажатлар "Узоқ муддатли инвестициялар" 06-счетада курсатилиб, уларга: шартномага биноан сотувчига туланадиган тулов, қимматли қоғозларни сотиб олиш билан боғлиқ бўлган маълумот ва маслаҳат хизматлари учун махсус ва бошқа ташкилотларга, қимматли қоғозларни сотиб олишда иштирок этган воситачи ташкилотларга мукофот тариқасида туланадиган туловлар, ҳамда қимматли қоғозларни, улар бухгалтерия ҳисобига олгунга қадар, сотиб олишга ишлатилган, қарз маблағлари учун туланадиган фоизларга сарфланадиган харажатлар, қимматли қоғозларни сотиб олиш билан боғлиқ бўлган бошқа бевосита харажатлар қиради.

Молиявий инвестицияларни ҳисобга олиш учун уларнинг баҳоланишини тавсифлашда қисқа муддатли молиявий инвестициялар учун "бошлангич қиймат атамасини қўллаш мақсадга мувофиқ бўлса, узоқ муддатли молиявий инвестициялар учун эса бозор қийматида қайта баҳолаш мақсадга мувофиқ. Чунки қисқа муддатли молиявий инвестициялар билан олди-сотди



операциялари амалга оширилган давр қисқа муддатни ташкил этиб, унинг қийматига иктисодиётда кечаётган инфляция жараёни муҳим таъсир этмайди. Узоқ муддатли молиявий инвестициялар қиймати эса, йиллар давомида ўзгармаслиги оқибатида корхона активлари миқдорининг ҳақиқийсидан паст кўрсатилишига олиб келади.

1.3. Қимматли қоғозларнинг синтетик ва аналитик ҳисоби

Бир корхона томонидан бошқа корхонанинг оддий акцияларига Узоқ муддатли инвестициялари инвесторларга тегишли овоз ҳисоби ҳуқуқига эга бўлган акциялар фоизига қараб туркумланиши мумкин:

1. Инвестор 50 фоиздан кўпроқ миқдорда овоз бериш ҳуқуқига молик акциялар (назорат тўплам) га эга бўлган тақдирда инвестор бирлаштирилган (йиғма) ҳисобот тузиши лозим;

2. Инвестор 20 фоиздан 50 фоизгача миқдорда овоз бериш ҳуқуқига молик акцияларга эга бўлган тақдирда у компания эмитентга аҳамиятли таъсир кўрсатиши мумкин деб ҳисобланади, шунинг учун акциялар таннархини ҳам қўшимча равишда инвестицияланган объект бўлган корхона тақсимланган фойдасида инвесторнинг улуши бўйича ҳисобланиши лозим (улушли иштирок этиш усули);

3. Инвестор 20 фоиздан камроқ миқдорда овоз бериш ҳуқуқига молик акцияларга эга бўлган тақдирда инвестициялар таннарх ёки бозор қиймати каби икки қийматдан энг ками бўйича ҳисобланади (қиймат усули). Корхонадаги мавжуд бўлган барча инвестицияларнинг тўплами инвестицион портфел деб аталади.


Молиявий инвестицияларни номинал, жорий ва бозор қийматини ажратадилар.

Номинал қиймати қимматли қоғоз бланкасидаги қайд этилган сумма. Номинал қиймати бўйича барча акцияларнинг жамланган қиймати устав капитали миқдорини ифодалайди.

Жорий қиймати - хабардор мустақил томонлар -қимматли қоғознинг харидори ва сотувчиси ўртасида қимматли қоғознинг сотилиши ёки алмаштирилиши.

Бозор қиймати - бозорда қимматли қоғоз нархи белгиланишининг натижаси билан аниқланадиган нарх. У маълум бир вақт мобайнида талаб ва таклиф мувозанатини акс эттиради.

Молиявий инвестициялар корхона активи бўлиб ҳисобланади, шу боис улар даставвал бухгалтерия ҳисобида таннархни ёки сотиб олинган нархи бўйича акс эттирилади. Қимматли қоғозлар таннархига барча ҳақиқатдан амалга ошириладиган ёки шартномага махфий мол етказиб берувчига тўланадиган харажатлар, яъни агентлар ва дилерларни тақдирлаш учун



харажатлар, фонд биржалари ва бошқа тартибга солувчи идораларнинг божлари, маблағларни ўтказиш бўйича солиқлар ва божлар, банк хизматлари бўйича тақдирлашлар киритилади.

Қимматли қоғозлар бўйича операциялар мунтазам тавсифга эга бўлиб ва уларнинг бозор қиймати доимо ўзгариб турган тақдирда ҳисобда қимматли қоғозларни қайта баҳолаш бўйича операциялар вужудга келиши мумкин. Бу ҳолатда молиявий қўйилмаларнинг ҳақиқий қийматининг ўзгариши, қўйилмалар туркими ва корхонада қабул қилинган ҳисоб сиёсатиға махфий, ҳисобда акс эттирилиши ёки акс эттирилмаслиги мумкин.

Қисқа муддатли ва узоқ муддатли қимматли қоғозлар сотиб олинган пайтида сотиб олиш қиймати бўйича ҳисобга олинади, кейинчалик эса улар таннархида қуйидагича акс эттирилиши мумкин:

а) жорий инвестициялар :

-бозор қиймати бўйича ;

- харид қиймати ва бозор қиймати каби икки қийматнинг энг ками бўйича.

Жорий инвестициялар бозор қийматининг ўзгаришидан олинган

Даромад ёки зарар улар вужудга келган даврда тан олинади .

б) Узоқ муддатли инвестициялар:

- харид қиймати бўйича;

- қайта баҳолашни ҳисобга олган қиймат бўйича;

- харид қиймати ва бозор қийматининг энг кам баҳоси бўйича.

Узоқ муддатли молиявий инвестициялар қайта баҳоланганда оширилган қиймат суммаси қайта баҳолашдан олинган даромад сифатида хусусий капитал таркибига киритилади. Молиявий қўйилмалар қиймати пасайганда камайиш, мазкур инвестициялар бўйича хусусий капиталда акс этирилган, қиймати ошган сумма ҳисобига амалга оширилади. Молиявий инвестициялар қийматининг пасайиши қайта баҳолашдан олинган даромадсуммасидан юқори бўлган тақдирда, тафовут харажат сифатида тан олиниши лозим. Аввал қиймати пасайтирилган инвестициялар бўйича қиймати оширилган сумма, мазкур инвестициялардан олинган зарар қоплангандан кейин хусусий капитални оширилишига ўтказилади.

Корхона ўз ҳисоб сиёсатида инвестициялар юқорида қайд этилган усулларнинг қайси бири бўйича баҳолашни белгилаши ва бу ҳаққоний (бозор) қиймати бўлган тақдирда қайта баҳолаш даврийлиги, шу жумладан инвестициялар туркуми бўйича акс эттирилиши лозим.

Молиявий инвестициялар харид ёки бозор қийматидан энг кам баҳоси бўйича ҳисобга олинган тақдирда, инвестицияларнинг бозор қиймати жами умумий инвестицион портфел қиймати асосида, ёки бир турдаги гуруҳлар, ёхуд алоҳида ҳар бир инвестициянинг асосида белгиланиши мумкин. Қийматнинг ошиши қайта баҳолашдан олинган даромад тариуасида хусусий капитал таркибига ўтказилади, камайиши эса молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда харажат тариуасида тан олинади.



**«Ташмир» ҚК қуйидаги узок муддатли қимматли қоғозларга эга деб
фараз қилайлик:**

Портфел	Харид қиймати	Бозор қиймати	Эҳтимолий даромад(зарар)
А акциялари	300000	200000	(100000)
Б акциялари	400000	400000	-
В акциялари	350000	430000	80000
Г акциялари	120000	1000000	(20000)
Жами	1170000	1130000	(40000)

Бинобарин, бухгалтерия балансида акциялар харид уилинган 70000 сумдан бозор қийматининг 40000 сўм чегирмаси айирилган ҳолда, яъни 1130000 сўм миқдорда акс этирилади. Бунда қуйидаги ўтказмалар берилади:

Д-т 9690 «Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар» -120000сум.

К-т 0610 «Қимматли қоғозлар» -40000сум .

К-т 8510 «Активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» -80000 сум.

Қабул қилинган ҳисоб сиёсатиға махфий қимматли қоғозлар баҳоланган таннарх ёки бозор қийматининг энг ками бўйича ҳисобга олинган тақдирда, бухгалтерия ҳисобида ҳисобга олинган инвестициялар учта усул билан ҳисобланиши мумкин.


-умумий инвестицион портфел асосида;

- инвестициялар туркуми ва бир хилдаги гуруҳлари бўйича.

**«Ташмир» ҚК да узок муддатли инвестициялар тўғрисида қуйидаги
маълумотга эга деб фараз қилайлик.**

№	Қимматли қоғоз тури	Сотиб олиш қиймати	Бозор қиймати	Сотиб олиш ва бозор қийматларидан энг ками
I.	3 йил муддатли акциялар «Ўзбекинвест» ЭИСК «Финиш» АЖ «Сокол» АЖ Жами:	200000 500000 300000 1000000	250000 400000 310000 960000	200000 400000 300000 900000
II.	5 йил муддатли акциялар «Бек» АЖ «Ҳаёт» АЖ Жами:	700000 600000 1300000	7800000 650000 1430000	700000 600000 1300000
	Ҳаммаси:	2300000	2390000	2200000

Корхона томонидан инвестицияларнинг умумий портфели асосида қайта баҳолаш қўлланилганда балансида 2300000 сўм сумма акс этирилади чунки икки суммадан, яъни 2390000 сумдан 2300000 сўм кам. Инвестициялар туркуми бўйича қайта баҳолашда, бухгалтерия балансида акс этириладиган



биринчи гуруҳ бўйича икки суммадан, яъни 100000 сўм ёки 960000 сумдан иборат, улардан ками - 960000 сўм ёки танлаб олинади, иккинчи гуруҳ бўйича икки сумма ,яъни 1300000 сўм ва 1430000 сумдан энг ками- 1300000 сўм танлаб олинади, шундай қилиб акс этирилган сумма 960000Қ1300000у 2226000 сумни ташкил этади. Корхона томонидан инвестицияларнинг ҳар бири тури бўйича қайта баҳолаш қўлланилган тақдирда бухгалтерия балансида 2200000 сўм суммани акс этирилиши лозим.


Инвестицияларнинг келиб тушиши қуйидагича ҳисоб варақаларда ҳисобга олинади:

- 5800-5890 « Қисуа муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи ҳисобварақалар »;

- 0610-0690 «Узоқ муддатли инвестицияларни ҳисобга оловчи ҳисобварақалар».

Молиявий инвестициялар ушбу ҳисобварақаларда келиб тушиш билан боғлиқ бўлган харажатлардан жамланган сотиб олиш таннари бўйича акс этирилади . Қимматли қоғозлар номинал қийматдан паст ёки баланд нархларда сотиб олиниши мумкин. Номинал қиймат -бу қимматли қоғоз бланкасида уайд этилган қиймат. Акциялар бўйича харид нарх ёки облигациялар бўйича фоизнинг бозор ставкаси номиналдан кам бўлган тақдирда (чегирма ёки дисконт), қоплаш даври пайтида харид ва номинал қиймати орасидаги фарқнинг қисми қўшимча ҳисобланади. Бунда 0610-0690 ҳисобварақаларнинг дебетида ва 9590 «Молиявий фаолиятдан олинadиган бошқа доромадлар» ҳисобварақининг кредити бўйича ёзув амалга оширилади.

Корхона томонидан сотиб олинган харид қиймати уларнинг номинал қийматидан (устма ёки мукофот) кўп бўлган тақдирда ,сотиб олинган пайтдан то уоплаш пайтигача бўлган даврда сотиб олиш ва номинал қиймат орасидаги фарқнинг қисми ҳисобдан чиқарилади. Бунда 9690 «Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар» ҳисобварақининг кредити бўйича ёзув амалга оширилади. Қимматли қоғозлар уопланиши пайтида ҳисоботда акс этирилган қиймати номинал қийматга тенг бўлиши керак .Чегирма ва устамаларни ҳисобдан чиқарилишининг даврийлиги улар бўйича фоизларни ҳисоблаш даврийлигига мутаносиб бўлиши лозим. Қимматли қоғозлар бўйича фоизлар (дивидендлар) ни ҳисоблашда 4830 «Олинadиган фоизлар» ёки 4840 «Олинadиган дивидендлар» ҳисобварақаларининг дебети ва 9530 «Фоизлар қуринишидаги даромадлар»ҳисобварақаларининг кредити бўйича ёзувлар амалга оширилади. Мисол. 2013 йил 1 июлда «Ванда» МЧЖ «Лидасан» ҚКга тегишли номинал қиймати 1000000 бўлган 10 % облигацияларнинг1250000 сумга сотиб олинган ,яъни облигациялар устама «мукофот « билан сотиб олинган ,сотиб олиш пайтида брокерга 50000 сўм тўланган.Облигацияларнинг уопланиш муддати 2004 йил 30 апрел. Облигацияларнинг уопланиш муддати 10 ой бўлганлиги учун қимматли қоғозлар қисқа муддатли ҳисобланади . Сотиб олишда қуйидаги ёзувларамалга оширилади :



2013 йил 1 июлда :

Д-т 5810 «Қимматли қоғозлар « -1300000 сум

К-т «5110 «Ҳисоб-китоб ҳисобварағи» -1300000сум

2003 йил 31 июлда фоиз даромади ҳисобланди ($1000000 \times 10 \% : 12 = 8333$ сум):

Д-т 4830 « Олинадиган фоизлар» -8333 сум

К-т 9530 « Фоизлар қуринишидаги даромадлар» -8333 сум

Шу пайтнинг узида устаманинг тегишли қисми ҳисобдан чиқарилади ($1300000-1000000$):10 = 30000 сум:

Д-т 9690 « Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар» -30000 сум

К-т 5810 «Қимматли қоғозлар» -30000 сўм

Мисол. 2003 йил 1 октябрда «Алман» МЧЖ «Галера» компаниясига тегишли 9 %ли номинал қиймат 500000 сўм бўлган облигацияларни 400000 сумга ,яъни чегирма билан сотиб олган.Қопланиш муддати 2005 йил 1 октябр ,яъни 24 ойдан кейин .

Д-т 0610 « Қимматли қоғозлар» -400000 сум

К-т 5110 «Ҳисоб-китоб ҳисобварағи» -40000 сум

2003 йил 31 октябрда $5000000 \times 9 \% : 12 = 3750$ сўм фоизли даромад ҳисобланган.

Д-т 4830 « Олинадиган фоизлар» -3750 сум

К-т 9590 «Молиявий фаолиятдан олинадиган бошқа даромадлар»-3750 сўм .

Шу пайтнинг узида чегирма (дисконт) нинг тегишли қисми ҳисобдан чиқарилади ($500000-40000$):24у 4166,6 сум

Д-т 0610 «Қимматли қоғозлар» -4166,6 сум

К-т « молиявий фаолиятдан олинадиган бошқа даромадлар» -4166,6 сум.


Молиявий инвестициялар фоизлар тўланадиган асна орасида сотиб олинган тақдирда ,инвестор қимматли қоғозлар сотган шахсга унинг бзор иймани билан бирга олдинги тўланган кундан уён жамланган фоизларни тўлайди . Фоизлар тўлаш куни етиб келганда инвестор эмитентдан сотиб олиш пайтидаги фоизлар ва қимматли қоғозларни сотиб олиш пайтдан то навбатдаги фоизларни тўлаш пайтигача фоизларни олади.

Мисол. 2013 йил 1 мартда «Мирида» компанияси «Шахзод» кампаниясининг 12 %ли ,умумий номинал қиймати 70000 сўм бўлган облигацияларини 600000 сумга сотиб олди. Фоизларни тўлаш ярим йилда бир маротаба амалга оширилади (1 январда ва 1 июлда). Қопланиш муддати 2015 йил 1 март. Сотиб олиш пайтида, шунингдек олдинги фоизлар тўланган пайтдан то харид қилиш пайтигача бўлган муддат, яъни 2 ой учун ҳисобланган фоизлар тўланган ($7000000 \times 12 \% : 12 \times 2$) = 14000 сум.

Д-т «Қимматли қоғозлар» - 600000 сум

Д-т Бошқа дебиторларнинг қарзлари» -14000 сум

К-т 5110 «Ҳисоб-китоб ҳисобварағи»- 614000 сум



«Шахзод» компанияси томонидан 1 мартдан то 1 июнгача қадар, яъни март, апрел, май, июн ойлари учун, сотиб олинган давр бўйича фоизлар ҳисобланади ($700000 \times 12\% : 12 \times 4$).

Д-т 4830 «Олинадиган фоизлар» -28000 сум

К-т 9530 «Фоизлар қуринишидаги даромадлар» - 28000 сўм .

Фоизлар олинган кун, яъни 1 июлда қуйидаги ёзув амалга оширилади :

Д-т 5110 «Ҳисоб-китоб ҳисобаврағи»- 42000 сум

К-т 4890 «Бошқа дебиторлик қарзлари» -14000 сум

К-т 4830 «Олинадиган фоизлар» -28000 сум

Инвестициялар маҳсулотлар ,товарлар етказиб берилиши ёки хизматлар кўрсатилиши тарзида олинганда:

Д-т 0610 «ёки 5810 «Қимматли қоғозлар»

К-т 9010 -9030 «Маҳсулотлар ,ишлар ва хизматлар сотишдан олинган даромадлар».

Инвестициялар асосий воситалар ёки бошқа активларни бериш йули билан олинган ҳолатларда :

Д-т 0610 ёки 5810 « Қимматли қоғозлар»

К-т 9210 « Асосий воситаларнинг реализацияси уилиниши ва бошқача чиқиб кетиши» ёки 9220 « Бошқа активларнинг реализацияси ёки бошқача чиқиб кетиши».

Мисол. Дастлабки қиймати 800000 сум, эскириш 3000000 сум, баҳолинган қиймати 600000 сўм бўлган ускуналарни бериш йули билан инвестициялар олинган.

-асосий воситаларнинг дастлабки қийматига:

Д-т 9210 « Асосий воситаларнинг реализацияси уилиниши ва бошқача чиқиб кетиши» - 800000 сум

К-т 0130 «Машина ва ускуналар»-800000 сум

- эскириш суммасига :

Д-т 0230 « Машина ва ускуналар эскириши»-30000 сум

К-т 210 « Асосий воситаларнинг реализацияси уилиниши ва бошқача чиқиб кетиши» -3000000 сум

-баҳоланган қийматига :

Д-т 0610 «Қимматли қоғозлар»-60000 сум.

К-т 9210 « Асосий воситаларнинг реализацияси уилиниши ва бошқача чиқиб кетиши» -600000 сўм .


-асосий воситаларнинг баҳоланган қиймати ва қолдиқ қиймати орасидаги фарқ бўйича :

Д-т 9210 « Асосий воситаларнинг реализацияси уилиниши ва бошқача чиқиб кетиши» -100000 сум

К-т 9310 « Асосий воситаларни сотилишидан ва бошқача чиқиб кетишидан олинган фойда»--100000 минг сум

Қимматли қоғозлар устав капиталини шакллантиришда муассислар акцияларини тўлаш ҳисобига келиб тушган тақдирда қуйидаги ёзув берилади.

Д-т 0610 ёки 5810 «Қимматли қоғозлар».



К-т 4610 «Муассисларнинг устав капиталига бадаллар бўйича қарзлари»
Беғараз ёрдам тарзида олинган қиммат қоғозлар қуйидагича ёзув билан
акс эттирилади.

Д-т 0610 ёки 5810 «Қимматли қоғозлар».

К-т 8530 «Текинга олинган мол-мулк».

Қимматли қоғозлар Узоқ муддатлидан қисқа муддатлига ўтказилиши
мумкин ёки аксинча.

Д-т 0610 «Қимматли қоғозлар»

К-т 5810 «Қимматли қоғозлар».

Узоқ муддатли ва қисқа муддатли молиявий инвестицияларнинг тахлили
ҳисоби қўйилмалар турлари (Пай, акциялар, облигациялар ва бошқалар) ва
ушбу қўйилмалар амалга оширилган объектлар (қимматли қоғозлар корхона-
эмитентининг номи) бўйича олиб борилади. Молиявий инвестициялар
тахлилий ҳисобини тузилиши тулиу ўз вақтидаги ва ишончли маълумот олиш
имкониятини таъминлаши лозим. Бунинг учун корхоналар мавжуд бўлган
барча қимматли қоғозлар қимматли қоғозларни ҳисобга олиш бўйича махсус
журналда уайд этилиши керак.

Ушбу журнал албатта қуйидаги реквизитларга эга бўлиши лозим:
корхона-эмитент номи, қимматли қоғознинг номинал ва сотиб олиш
қиймати, серияси, рауами, умумий миқдори, сотиб олиш санаси ва сотиш
санаси ва х.к. лар.


Қимматли қоғозлар депозитарийда сауланган тақдирда, журналда
депозитарий реквизитлари уайд этилади.

Корхона томонидан қимматли қоғозлар қимматли қоғозларга, яъни овоз
бериш ҳуқуқига эга бўлган бошқа корхоналарнинг акцияларига қўйилиши
мумкин.

Корхона бошқа корхона акцияларининг назорат тўплами (50% купроги)
ни сотиб олган ҳолатда компания-инвестер эмитентга нисбатан бош
компания ҳисобланиди, эмитент эса компания-инвесторнинг шуъба
корхонаси ҳисобланади. Шуъба корхонасининг оддий акцияларига қимматли
қоғозлар бош компаниянинг бухгалтерия ҳисобида молиявий инвестициялар
ҳисобланади ва улушли уатнашиш усули билан бирликдаги Хўжалик
юритувчи субъект тарзида акс эттириш учун бош компания жамланган
(йигма) ҳисобот тайёрлайди.

Икки маротабалик ҳисобни олдини олиш маусадида, жамланган
ҳисоботни тайёрлашда ҳисоботдан бир-бирини тақрорлайдиган бандларни
чиқариб ташлаш лозим. Ҳисобот бандларидан қуйидагилар чиқариб
ташланади:

- узаро қўйилмаларни ҳисобга олувчи ҳисоб варақлар;
- шуъба ташкилоти капиталини ҳисобга олувчи ҳисоб варақлар;
- бош ва шуъба компаниялари орасидаги дебиторлик ва кредиторлик
қарзлари;
- бош ва шуъба компаниялари орасидаги амалга оширилган
операциялардан ҳосил бўлган даромадлар ва харажатлар.



Жамланган ҳисобот бош ва шуъба компаниялари нинг ягона ҳисобот сиёсати асосида тайёрланиши керак.

Бош ва шуъба корхоналари томонидан ҳисобга олишнинг турли услубиятлари қўлланилган тақдирда жамланган ҳисоботга илова уилинган тушунтириш хатида бухгалтерия ҳисобнинг бошқа услубиятлари қўлланилган ҳар бир банди ёритилиши лозим.

Бошқа корхонанинг оддий акцияларига қўйилган қимматли қоғозлар овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган акциялар умумий миқдорининг 20% дан то 50% гача бўлган тақдирда, инвестор компания-эмитентга аҳамиятли таъсир кўрсатади деб ҳисобланади ва ушбу инвестицияларнинг ҳисобга олиш улушли уатнашиш усули билан амалга оширилиши керак. Улушли уатнашиш усули қўлланилганда молиявий инвестициялар сотиб олиш пайтида жорий қиймат бўйича акс эттирилади. Компания-эмитент фаолиятининг молиявий натижаларида инвестор улуши тан олинган пайтда бу қиймат ошиши ёки камайиши мумкин. Инвестор инвестициялардан эмитент капиталидаги ўз улушига мутаносиб миқдорда фойда олади, шу боис фойда инвестициялар ҳисоб варақларининг дебети ва инвестициялардан олинган даромадларни ҳисобга олувчи ҳисоб варақларнинг кредитида акс эттирилади. Улушли уатнашиш усули қўлланилганда дивидентлар инвестициялар қайтарилиши тарзида акс эттирилади, шунинг учун дивидентларни ҳисоблашда даромад ошмайди, инвестицияларнинг қиймати эса камаяди.

Мисол. «Фонон» АЖ «Фотон» АЖ нинг овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган 10000 дона одий акцияларининг ҳар бирини 500 сумдан сотиб олди, бу «Фотон» АЖ акцияларининг 40% ни ташкил уилади. «Фотон» АЖ томонидан эълон уилинган дивидентлар 18000 сум, унинг тақсимланмаган фойдаси эса 160000 сумни ташкил этади .

Акцияларни сотиб олиш (10000x 500)у-5000000 сўм .

Д-т 0610 « Қимматли қоғозлар»- 5000000 сум

К-т 5110 « Ҳисоб китоб ҳисоб варағи»- 5000000 сум

«Фотон» АЖ томонидан дивидентларнинг эълон уилиниши:

Д-т 4840 «Олинадиган дивидентлар»- 18000 сум.

К-т 0610 «Қимматли қоғозлар» -18000 сум.

Дивидентлар олинишида:

Д-т 5110 «Ҳисоб-китоб ҳисоб варағи»-18000 сум.


К-т 4840 «Олинадиган дивидентлар»-18000 сум.

Тақсимланмаган фойдани акс эттиришда «Фотон» АЖ соф фойдасидаги «Фонон» АЖ нинг улуши ҳисобланади 160000x40%у64000 сум.

Д-т 0610 «Қимматли қоғозлар» -64000 сум.

К-т 9520 «Дивидентлар курунишидаги даромадлар» -64000 сум.

Корхона инвестор, ўз инвестицияларини саулаб уолган ҳолда, акциялар сотиб олган корхонасига аҳамиятли таъсир кўрсатишни тухтатган тақдирда ёки уюшмага айлантирилган корхона, инвесторга ўз фондларини ўтказиш уобилиятини чеклайдиган уаттиу Узоқ муддатли чеклаш остида фаолият



кўрсатган ҳолда инвестор улушли уатнашиш усулини тухтатишга ва инвестициялари учун қиммат усулни ууллашга мажбур.

Бошқа корхонанинг оддий акцияларига Узоқ муддатли инвестициялар овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган акцияларнинг умумий миқдорида 20% гача тақдирда инвестор пассив улушга эга ёки компания- эмитент фаолиятига аҳамиятсиз таъсир кўрсатади деб ҳисобланади, шу боис ушбу инвестицияларнинг бухгалтерия ҳисоби одатда қиймат усули билан амалга оширилади.

Ушбу усулнинг моҳияти ва унинг улушли уатнашиш усулидан фарқи шундан иборатки, акциялар бўйича дивидентлари эълон қилиш пайтида даромадни ва дебиторлик қарзни камайтиради.

Мисол. 2003 йил 1 январда «Диана» компанияси «Наргиз» компаниясининг ҳар бир акциясини 1000 сумдан 1000 та оддий акциясини сотиб олди. Бу «Наргиз» компанияси барча акцияларининг 10 фоизини ташкил этади. Акцияларнинг уопланиш муддати 5 йил. «Наргиз» компанияси томонидан 130000 сўм дивидент эълон қилинди. Компаниянинг 1 йилга соф фойдаси 2500000 сумни ташкил қилди.

Акциялар сотиб олиниши:

Д-т 0610 «Қимматли қоғозлар» 1000000 сум.

К-т 5110 «Ҳисоб-китоб ҳисоб варағи»

Дивидентлар эълон уилиниши.

Д-т 4840 «Олинадиган дивидентлар» 130000 сум.

К-т 9520 «Дивидентлар қуринишидаги даромадлар»

Дивидентлар олиниши.

Д-т 5110 «Ҳисоб-китоб ҳисоб варағи» 130000 сум

К-т 4840 «Олинадиган дивидентлар».


Пул маблағларини сақлаб қолиш учун акциядорлар ўртасида дивидентларни акциялар билан тўлаши мумкин. Бу ҳолатда акциядорлар янги чиқарилган акцияларни оладилар. Акциялар кўринишидаги дивидентлар активларни, мажбуриятларини ёки акциядорлар капиталини ҳеч қандай ўзгартирмайди ва инвесторнинг фоиз тарзидаги улуши ўзгаришига таъсир кўрсатмайди.

Акциялар кўринишидаги дивидентлар олишда инвестор эмитентдан активларни олмайди, инвесторда муомилада бўлган акциялар миқдори ошади, яъни ушбу туркумдаги акциялар қуринишидаги дивидентларни олиш, акциялар қиймати узгармаган ҳолда уларнинг миқдори ошишига олиб келади. Шундай инвесторда даромадни ҳисобга олиш учун ҳеч уандай ўтказма берилмайди, фақат инвестор эгалик қилган акциялар миқдори ошади.

Мисол. «Малика» АЖ «Ширин» компаниясининг ҳар бири 700 сумдан 1000 та оддий акцияларини сотиб олди. Сотиб олиш кунида қуйидаги ёзув амалга оширилади:

Д-т 0610 «Қимматли қоғозлар» -700000 сум

К-т 5110 «Ҳисоб китоб ҳисоб варағи» -700000 сум.



Бир қанча вақт утгандан сўнг «Малика» АЖ 50% даромадни оддий акциялар курунишида олди, яъни муомаладаги оддий акциялар миқдори 1500та ни ташкил этди. Дастлабки сотиб олинган акцияларнинг қиймати 700000 сум. 500та акцияларнинг қиймати - 0 сум. Мавжуд бўлган 1500 та акцияларнинг баланс қиймати - 700000 сум.

Битта акциянинг баланс қиймати $700000:1500=466.6$ сумни ташкил уилади. Бинобарин, «Ширин» компаниясининг 1500 та акцияларига «Малика» компаниясининг Узоқ муддатли қимматли қоғозлари баланс қиймати дивидентлар олунгунга уадар 1000та акцияларнинг баланс қийматига тенг бўлади, чунки «Малика» АЖ ушбу акцияларни сотиб олмаган. «Малика» АЖ 500 та акцияларни сотиб олишда ҳеч қандай ўтказма берилмайди, лекин таҳлилий ҳисобда мавжуд бўлган акциялар миқдори ошади.

«Малика» АЖ 300 та акцияларнинг ҳар бирини 600 сумдан сотишга қарор қилди деб фараз қилайлик. Бунда қуйидаги ўтказмалар берилади:

-сотиш қийматига:

д-т 5110 «Ҳисоб-китоб ҳисоб варағи» -180000 сум.

К-т 9220 «Бошқа активларнинг реализация ва бошқача чиқиб кетиши» - 180000 сум.

-баланс қийматига $300 \times 466.6 = 139980$ сўм :

Д-т 9220 «Бошқа активларнинг реализация ва бошқача чиқиб кетиши» -139980 сум.

К-т 0610 «Қимматли қоғозлар» -139980 сум.

- сотишдан олинган фойда $180000-139980=40020$ сум:

Д-т 9220 «Бошқа активларнинг реализация ва бошқача чиқиб кетиши» -40020 сум.

К-т 9320 «Бошқа активларнинг реализация қилишдан ва бошқача чиқиб кетишидан олинган фойда» -40020 сум.

Инвестицияларнинг чиқарилиши улар сотилиш ёки эмитентга қайтарилиши, шунингдек безарз ёрдам тарзида бошқа ташкилотга берилиши сабабли вужудга келади.

Чиқарилишда инвестицияларнинг баланс қиймати орасидаги фарқ аниқланади. Баланс қиймати сотиш қийматидан паст бўлган тақдирда фойда пайдо бўлади. Инвестицияларнинг баланс қиймати уларни сотиш ёки бериш қийматидан баланд бўлган тақдирда инвестициялар чиқарилишидан зарар курилади. Чиқарилишни ҳисобга олиш 9220 «Бошқа активларнинг реализация ва бошқача чиқиб кетиши» ҳисоб варағида амалга оширилади.

Мисол. Баланс қиймати 200000 сўм бўлган қисқа муддатли облигациялар 250000 сумга сотилди.

- сотиш нархига:

д-т 5110 «Ҳисоб-китоб ҳисоб варағи» -250000 сум.

К-т 9220 «Бошқа активларнинг реализация ва бошқача чиқиб кетиши» - 250000сум.

-инвестицияларнинг баланс қийматига:



Д-т 9220 «Бошқа активларнинг реализация ва бошқача чиқиб кетиши» - 200000сум.

К-т 5810 «Қимматли қоғозлар» -139980 сум.

-инвестициялар сотилишидан олинган фойда:

Д-т 9220 «Бошқа активларнинг реализация ва бошқача чиқиб кетиши» - 50000сум.

К-т 9590 «Молиявий фаолиятдан олинadиган бошқа даромадлар» -50000 сум.

Мисол: 300000 сўм баланс қийматига эга булаган акциялар сотилди, сотилиш нархи 270000 сум.

-сотилиш нархига:

д-т 5110 «Ҳисоб-китоб ҳисоб варағи» -270000 сум.

К-т 9220 «Бошқа активларнинг реализация ва бошқача чиқиб кетиши» - 270000сум.

- баланс қийматига:

Д-т 9220 «Бошқа активларнинг реализация ва бошқача чиқиб кетиши» - 300000сум.

К-т 0610 «Қимматли қоғозлар» -300000 сум.

-сотилишдан курилган зарарга:

Д-т 9690 «Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар» 30000 сум.

К-т 9220 «Бошқа активларнинг реализация ва бошқача чиқиб кетиши» - 30000сум.

Мисол. Баланс қиймати 100000 сўм бўлган қисқа муддатли инвестициялар беғараз ёрдам тарзида бошқа корхонага берилди.

-инвестицияларнинг баланс қийматига:



Д-т 9220 «Бошқа активларнинг реализация ва бошқача чиқиб кетиши» - 100000сум.


К-т 5810 «Қимматли қоғозлар» -100000 сум.

-чиқарилишдан курилган зарар суммасига:

Д-т 9690 «Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар» 100000 сум.

К-т 9220 «Бошқа активларнинг реализация ва бошқача чиқиб кетиши» - 100000 сум.





2-боб. Корхонадаги қимматли қоғозлар аудити

2.1. Қимматли қоғозлар аудитининг асослари ва режалаштирилиши

Молиявий инвестициялар бухгалтерия ҳисоботидаги «Узоқ муддатли молиявий инвестициялар» ва «Қисқа муддатли молиявий инвестициялар» моддалари кўрсаткичларининг ишончилиги ва молиявий инвестицияларни ҳисобга олиш ҳамда солиққа тортиш бўйича қўлланилаётган услубиётнинг Ўзбекистан Респуб-ликасида амал қилаётган меъёрий ҳужжатларга мувофиқлиги тўғрисида хулоса шакллантириш мақсадида аудиторлик текширувидан ўтказилади.

Молиявий инвестицияларни аудиторлик текширувидан ўтказишнинг мақсади бошқа активлар текширувидаги каби қуйидагиларни таъминлашдан иборат:

- тўлиқлиги - барча молиявий инвестицияларнинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида тўлиқ акс эттирилиши, ҳисобга олинмай қолган молиявий инвестициялар йўқлиги;

- корхона томонидан сотиб олинган қимматли қоғозлар ва берилган қарзларнинг барчаси бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида тўлиқ акс эттирилиши;

- молиявий инвестициялар ҳисобга олинадиган синтетик счётлар қолдиғи ва оборотларининг тегишли аналитик ҳисоб счётлари қолдиқ ва оборотларига мос келиши;

- счётлар бўйича қолдиқ ва оборотларнинг бухгалтерия ҳисоби регистрларидан Бош дафтарга ва бухгалтерий ҳисоботларига тўлиқ ҳажмда ўтказилиши;

- молиявий инвестициялар кирими ва ҳисобдан ўчирилиш фактларининг барчаси бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида акс эттирилиши;

- молиявий инвестициялар ҳаракатига дойр барча муомалаларнинг бухгалтерия ҳисобида ўз вақтида рўйхатдан ўтказилиши;

- мавжудлиги - барча молиявий инвестициялар корхона учун аҳамиятли бўлиб, баланс тузиш санасига мавжуд ва келажақда даромад келтиради;

- молиявий инвестициялар мавжудлиги белгиланган тартибда ўтказилган инвентаризация ва зарур дастлабки ҳужжатлар билан тасдиқланган;

- ҳуқуқ ва мажбуриятлар - корхона молиявий инвестициялар учун тегишли ҳуқуқларга эга ва ушбу ҳуқуқлар билан боғлиқ хавф-хатар учун масъулдир;

- бухгалтерия ҳисобида акс эттирилган молиявий инвестициялар (қимматли қоғозлар ва берилган қарзлар) корхонага қонун асосида тегишлидир;

- бухгалтерия балансида акс эттирилган қимматли қоғозлар корхонага мулкӣ ҳуқуқ асосида тегишли бўлиб, тегишли ҳуқуқ талабларига мос шартномани амалга ошириш натижасида олган ҳамда корхона қимматли қоғозлар олинганлигини тасдиқловчи барча зарур гувоҳликларга эга;



•бухгалтерия ҳисоби счётларидаги барча ёзувлар амалдаги қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқ расмийлаштирилган. Исботловчи ва дастлабки ҳужжатлар билан расмийлаштирилган;

•молиявий инвестицияларга дойр барча муомалалар амалдаги қонунчиликка зид бўлмаган муносабатлар шароитидан келиб чиқади;

•молиявий инвестициялар билан боғлиқ муомалаларни амалга ошириш белгиланган тартибда ваколатли шахслар томонидан рухсат этилганлиги;

•баҳолашлар - молиявий инвестициялар (қимматли қоғозлар) бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқ баҳоланган;

•чет эл валютасидаги қимматли қоғозларни сўмда баҳолаш амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ ўтказилган;

•қимматли қоғозларни сотиб олиш усулига кўра уларнинг ҳақиқий қиймати меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқ шакллантирилган;

•қимматли қоғозлар қиймати бухгалтерия ҳисоботида киритиш учун меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқ ва тўғри ҳисоблаб чиқарилган (бозор баҳоси пасайишини ҳисобга олган ҳолда);

•қимматли қоғозларни сотишдан олинган тушум бухгалтерия ҳисобида дастлабки ҳужжатлардаги маълумотларга мос баҳода акс эттирилган;

•аниқлиги - молиявий инвестицияларга дойр харажатлар бухгалтерия ҳисоби қоидаларига мувофиқ ҳисобга олинган, бухгалтерия ҳисоботи маълумотлари синтетик ҳисоб регистрларидаги ёзувларга мос келади;

•дастлабки ҳужжатларда, бухгалтерия ҳисоби регистрларида, маълумотларни бухгалтерия ҳисоботларига ўтказишда кўрсаткичларнинг арифметик аниқлигига риоя қилинган;

•чет эл валютасида ифодаланган қимматли қоғозларнинг сўмдаги қийматини аниқлашда Ўзбекистан Республикаси Марказий Банки томонидан белгиланган ва муомала содир бўлган кунда амалда бўлган чет эл валютаси курсидан фойдаланилган; бухгалтерия ҳисоботида ҳақиқий маълумотлар асосида аниқланган молиявий натижалар акс эттирилганлиги;


•ҳисоб даврининг чекланганлиги - молиявий инвестицияларни ҳисобга қабул қилиш ва ҳисобдан чиқаришга дойр барча муомалалар тегишли ҳисоб даврида ҳисобга олинган;

•тақдим қилиш ва баён қилиш - барча молиявий инвестициялар тўғри туркумланган ва бухгалтерия ҳисоботида моҳияти очиб берилган;

•молиявий инвестициялар турлари ва қайтариш муддатларига кўра туркумланган;

•молиявий инвестицияларни сотиш ва қайтариш билан боғлиқ даромадлар ва харажатлар молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда тўғри туркумланган;

•молиявий инвестициялар тўғрисидаги ахборотлар бухгалтерия ҳисоботларига беркладиган тушунтиришларда очиб берилган;



Молиявий инвестицияларни аудиторлик текширувидан ўтказиш чоғида ҳал этиладиган вазифалар.

Аудиторнинг вазифалари	Текшириладиган масалалар
1. Қимматли қоғозларни ҳисобга олиш ва назорат килишнинг ҳолатини текшириш.	Корхона активларини Қимматли қоғозлар каторига олиб боришнинг тўғрилиги. Муамалаларини хужжатлаштиришни текшириш. Қимматли қоғозларни баҳолашнинг тўғрилиги. Молиявий куйилмаларни инвентаризация килиш. Бухгалтерия ҳисоботи курсаткичларининг синтетик ва аналитик ҳисоб маълумотларига мослиги.
2. Қимматли қоғозлар ҳаракатини бухгалтерия ҳисобида акс эттиришга доир муоммалалар синтетик ҳисобининг тўлиқлиги ва тўғрилиги ҳамда солиқ қонунчилигига риоя килинишини текшириш.	Қимматли қоғозлар кирими ва ҳисобдан чиқармалишини синтетик ҳисоб регистрларида акс эттириш. Қимматли қоғозлар аналитик ҳисобини ташкил этиш. Қимматли қоғозларини ҳисобдан чиқаришга доир муаммолар бўйича солиқ қонунчилигига риоя килиниши. Қимматли қоғозлар қадрсизланишининг олдини олиш мақсадида резерв ташкил этишга доир муаммолаларни акс эттириш. Қарз шартномаси бўйича берилган маблағлар ҳисоби.
3. Қимматли қоғозларига доир даромадларининг тўлиқ акс эттирилиши ва уларнинг солиққа тортилишини текшириш.	Ҳисобланган даромадларини акс эттириш. Ушбу муаммаларни солиққа тортишнинг тўғрилигини текшириш.

Текшириладиган масалалар бўйича етарли далилларга эга бўлиш кўрсатилган фактларни мустақил баҳолаш, йўл қўйилган хато - камчиликларни ҳамда амалдаги меъёрий хужжатлар ва бухгалтерия ҳисоби қоидаларидан четга чиқишларни аниқлашга имкон беради.

Молиявий инвестицияларни аудиторлик текширувда фойдаланиладиган **ахборот манбалари** қуйидагиларни ўз ичига олади:

- молиявий инвестицияларни Бухгалтерия ҳисобида акс эттириш ва солиққа тортишни, ҳамда аудиторлик текширувидан ўтказишни тартибга соладиган меъёрий хужжатлар;
- бухгалтерия ҳисоботлари;
- корхонанинг ҳисоб сиёсати тўғрисидаги буйруғи;



- молиявий инвестицияларни ҳисобга оладиган синтетик ва аналитик ҳисоб регистрлари;

- молиявий инвестицияларни акс эттирадиган дастлабки ҳужжатлар.

Корхонанинг ҳисоб сиёсати тўғрисидаги буйруғи бўйича аудитор қуйидагилар билан танишиши мумкин:

- бошқа корхоналарнинг устав капиталида иштирок этишдан олинган даромадларни оддий ёки операцион фаолиятдан олинган даромадлар қаторида тан олиш;

- молиявий инвестицияларни акс эттириш учун фойдаланиладиган ишчи счётлар режаси;

- қўлланиладиган бухгалтерия ҳисоби шакли ва корхона бухгалтериясида тузиладиган ҳисоб регистрлари рўйхати;

- молиявий инвестицияларни ҳисобга олиш билан боғлиқ дастлабки ҳужжатларнинг ҳужжатлар айланиши (ҳужжатлар айланиш графиги) билан;

- корхонанинг молиявий инвестициялари, қарз шартномаларини расмийлаштирилган рухсат этилган шахслар рўйхати; молиявий инвестицияларни ҳисобга олиш учун корхона томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган дастлабки ҳужжатлар шакллари;


Бухгалтерия ҳисобининг ягона журнал-ордер шаклидан фойдаланадиган корхоналарда журнал-ордерлар қўлланилиб, уларда ҳисобга қабул қилинган дастлабки ҳужжатлардаги ахборотлар тўпланади ва муомалалар акс эттирилади.

Молиявий инвестицияларни ҳисобга олишда компьютер дастурларидан фойдаланилганда счётлар бўйича дебет ва кредит оборотларининг босмадан чиқарилган ёзма нусхасининг маълумоти тузилади.

Молиявий инвестицияларнинг аналитик ҳисоб регистри сифатида «Қимматли қоғозларни ҳисобга олиш дафтари» тавсия этилади.

Қимматли қоғозлар бўйича муомалалар аудита қуйидаги ҳужжатларга асосан амалга оширилади: таъсис шартномаси (бошқа корхоналар устав капиталига инвестициялар қилишда), қимматли қоғозлар олди-сотти шартномаси, қарз шартномаси, депозит жамғарма учун шартнома, қимматли қоғозларни гаровга қўйиш шартномаси, оддий ширкат шартномаси (ҳамкорликдаги фаолият шартномаси) ва бошқалар. Аудитор ушбу кўрсатилган шартномалар қоидаларининг қимматли қоғозлар билан боғлиқ муомалаларни тартибга соладиган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мос келишини текшириши лозим.

Молиявий инвестициялар аудитида маълумот манбаси сифатида фойдаланиладиган дастлабки ҳужжатларга қуйидагилар киради: қимматли қоғозларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси, ҳамкорликдаги фаолиятга қўшиладиган улушни қабул қилиш-топшириш далолатномаси, ўмумий ишни юритувчи ҳамкор томонидан мулкларни қабул қилиш тўғрисидаги авизо, пул шаклидаги улушларни ўтказиш тўғрисидаги тўлов-топшириқномаси ва банк кўчирмаси (нақд пулсиз ҳисоб-китобларда) ёки касса чиқим ордери ва касса кирим ордерининг квитанцияси (нақд пуллик



ҳисоб-китобларда), қимматли қоғозлар қийматини тўлаш учун бериладиган мулклар (активлар) ни расмийлаштириш счет-фактураси ва накладнойи, қимматли қоғозлар ва қатъий ҳисобда турадиган бланкаларнинг инвентаризация рўйхати ва бошқа ҳужжатлар.

2.2. Қимматли қоғозлар аудитини ўтказиш

Молиявий ҳисоботлар инвестицион фаолиятнинг миқёслари, йуналишлари ва тавсифини, унинг корхона молиявий фаолияти, истиқболига таъсирини очиб бериш учун хизмат қилади. Улардан зарур ахборотларни олиш ташқи фойдаланувчиларда ва аналитикларда корхонанинг мулкӣ ва молиявий фаолияти ҳақида тўлиқ ва аниқ маълумот шаклланишига ёрдамлашади.


Бундай ахборотларга қуйидагилар тўғрисидаги маълумотлар киради: сотиб олинган қимматли қоғозлар ўмумий қиймати; қимматли қоғозлардан олинган даромад (дивидендлар ва фоизлар); қимматли қоғозларни айрим тоифаларга тақсимлаш; котировкаси муттасил эълон қилинмайдиган қимматли қоғозларнинг тахмин қилинаётган бозор қиймати (у ҳолда баҳолаш методлари ва усуллари корхона ҳисоб сиёсатидан келиб чиққан ҳолда баён қилинган бошқарув ходимларининг баҳолаши бўлиши мумкин); акция қийматининг ўзгаришлари; қимматли қоғозларни сотиш натижасида вужудга келган, кўзда тутилмаган даромадлар ва зарарлар (агар улар сезиларли даражада бўлса); корхона инвестициясида салмоқли ўрин эгалловчи қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар. Бундан ташқари, қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар тўғрисидаги маълумотларни тавсифлашда фойдаланилган усуллар моҳияти махсус очиб берилиши лозим.

Бу маълумотлар Бухгалтерия ҳисоботининг қиймат кўрсаткичларини баҳолаш учун зарур. Қимматли қоғозлар аудити қимматли қоғозларга таалукли Бухгалтерия ҳисоботи маълумотларининг ҳаққонийлигини текширишдан бошланади.

Бундай текширув корхонанинг нақд пулларини текширишдаги каби инвентаризация (ашёвий рўйхат) ўтказиш иўли амалга оширилади. (№19-БҲМС 3.30-3. 36 бандлари)

Қимматли қоғозларни инвентаризация (ашёвий рўйхат) қилиш қуйидаги вазифаларни ҳал этади: уларнинг ҳақиқатдаги мавжудлигини аниқлаш; ҳақиқатда мавжуд қолдиқларини Бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан таққослаш орқали уларнинг сақланиши устидан назорат ўрнатиш; қимматли қоғозлардан олинадиган даромадларнинг тўлиқлиги ва ўз вақтидалигини текшириш; уларнинг сақланиши учун зарур шарт-шароитлар яратилганлигини текшириш (корхонада сақланганида); қимматли қоғозлар билан боғлиқ даромадлар ва йўқотишларни ҳисобда акс эттиришнинг ҳаққонийлигини аниқлаш.

Аудитор инвентаризацияни бошлашдан олдин қимматли қоғозлар бўйича ички аудитнинг аҳволи билан танишиши зарур. Чунончи,



корхонанинг пул маблағлари бўйича махсус комиссияси ҳар ойда камида би-т марта пул маблағлари каби қимматли қоғозларни ҳам инвентаризация (ашёвий рўйхат) дан ўтказиши лозим. Бундан ташқари, йиллик Бухгалтерия ҳисоботини тузишдан олдин, моддий жавобгар шахслар алмашиш ҳолларида, ўғрилиқ, умариб кетиш, ўзлаштириш ёки суйистеъмол қилиш ҳолларида, ёнгин ёки табиий офатдан сўнг инвентаризация (ашёвий рўйхат) ўтказилиши шарт. (№19-БХМС 1.5-банди)

Агар қимматли қоғозлар корхонанинг ўзида сақланса, уларни инвентаризациядан ўтказиш пул маблағларини инвентаризациядан ўтказиш билан бир пайтда амалга оширилади.

Корхона кассасида сақланаётган қимматли қоғозларни инвентаризация (ашёвий рўйхат) қилиш уларни варақма-варақ санаш иўли билан амалга оширилади. Бунда ҳар бир қимматли қоғозларнинг номинал қиймати, ҳақиқийлиги ва тўғри расмийлаштирилганлиги аниқланади. Текширув алоҳида қар бир эмитент бўйича далолатномада серияси, рақами ва ўмумий суммаси кўрсатилган ҳолда ўтказилади. Ҳар бир қимматли қоғознинг реквизитлари бухгалтерияда юритиладиган рўйхатлар, реестрлар ёки дафтарларнинг маълумотлари билан солиштирилади.

Қимматли қоғозлар махсус ташкилотларда сақланганида (банкларда, депозитарияларда, махсус жойларда) инвентаризация корхонанинг тегишли бухгалтерия ҳисоби сўётларидаги қолдиқлар кўчирмаси маълумотлари билан солиштириш орқали амалга оширилади.

Масалан, депозитарийда сақлаш учун топширилган қимматли қоғозлар инвентаризациями 0610-«Қимматли қоғозлар» ва 5810-«Қимматли қоғозлар» сўётларидаги қолдиқ суммалари депозитарийлар маълумотлари билан таққослаш орқали амалга ошиоилади. Депозитарийлар маълумотлари инвентаризация ўтказилаётган пайтда депозитарийга юборилган еўров натижасида олиниши мумкин (№19-БХМС 3.35 банд).


Қорхонага тегишли қимматли қоғозларни инвентаризация қилишда улар сотиб олиш қийматининг ҳаққонийлигини баҳолашга махсус эътибор берилиши лозим. Бунинг учун ак-циядорлик жамиятларининг чоп этиладиган Бухгалтерия ҳисоботларини олиш, шунингдек, бошқа қизиқтирган ҳисоб ва ҳисобот маълумотлари билан танишиш ҳуқуқига эга эканлигига эътибор бериш зарур.

Инвентаризация рўйхатида қимматли қоғоз эмитенти, номи, серияси, номери, номинал ва ҳақиқий қиймати, қайтариш муддатлари ва ўмумий суммаси кўрсатилади.

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи маълумотларининг ишончилигини тасдиқлаш учун аудитор молиявий инвестицияларни инвентаризациядан ўтказишнинг тўғрилигини ҳам текширади.

Текширув чоғида қуйидагилар аниқланади:

-«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистан Республикаси қонунининг 11-моддаси талабларига риоя қилинаётганлиги;



-корхонанинг ҳисоб юритиш сиёсати тўғрисидаги буйруғида молиявий инвестицияларни инвентаризациядан ўтказишнинг муддатлари белгиланганлиги ва бу муддатларга риоя қилинаётганлигини;

-инвентаризация ҳужжатларининг тўғри расмийлаштирилиши (корхонада инвентаризация рўйхатларининг унификацияланган шаклларидаан фойдаланиш, қимматли қоғозлар корхона кассасида сақланилганида уларнинг ҳақиқатда мавжудлиги тўғрисидаги маълумотларни рўйхатга киритишнинг аниқлиги ва тўғрилиги таъминланганлиги ва ҳоказо).

Қимматли қоғозлар аудитининг кейинги босқичида ҳақиқатда мавжуд қимматли қоғозлар Бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан солиштирилади. Бунда аудитор қимматли қоғозларнинг ошиқ чиққанларини ҳам, кам чиққанларини ҳам ўзининг иш ҳужжатларида акс эттириши ва булар ҳақида корхона раҳбариятига билдириши лозим. Ўз навбатида корхона раҳбарияти бундай камомадларнинг вужудга келиш сабаблари ва бунга жавобгар шахсларни аниқлаш, ҳамда камомадларни бартараф этиш чораларини кўриши лозим; ошиқча чиққан қимматли қоғозларни кирим қилиш, етишмаган қимматли қоғозлар қиймати айбдор шахслар томонидан қопланиши ёки корхонанинг молиявий натижаларига олиб борилиши мумкин. Бунда инвентаризация далолатномалари, таққослаш ведомостлари ва моддий жавобгар шахсларнинг тушунтириш хатларига асосан қуйидаги Бухгалтерия проводкалари тузилади:

а) Ошиқча чиққанда: Дт 0610, 0620, 0630, 0640, 0690, 5810, 5830, 5890-счётлар Кт 9590 счёт ошиқча чиққан қимматли қоғозларнинг номинал қийматига (турлари бўйича).


в) Камомад: Дт 9430 Кт 0610, 0620, 0630, 0640, 0690, 5810, 5830, 5890-счётлар кам чиққан қимматли қоғозлар номинал қийматига.

с) Камомадларни қоплаш: Дт 4730 Кт 9430 номинал қийматига. Дт 4730 Кт 9590 етишмаган қимматли қоғозларнинг номинал қийматидан биржа қийматининг камомад аниқланган пайтдаги ошган суммасига.

д) Дт 5010, 6710 Кт 4730 етишмаган қимматли қоғозлар биржа қийматининг айбдор шахс томонидан кассага нақд пул билан тўланиши ёки унинг ойлик маошидан ушлаб қолиниши.

е) Камомадларнинг корхона молиявий натижаларига олиб борилиши: Дт 9690 Кт 9430 етишмаган қимматли қоғозларнинг номинал қиймати.

Инвентаризацияда ошиқча ва кам чиққан қимматли қоғозларни ҳисобда акс эттиришнинг юқорида келтирилган тартиби шунга боғлиқки, ҳозирги вақтда қимматли қоғозлар балансда уларнинг сотиб олиш баҳоси бўйича акс эттирилиб, кейинчалик у номинал қийматига етказилади. Дт 0610, 0620, 0630, 0640, 0690, 5810, 5830, 5890-счётлар Кт 5110, 5210, 5220 - сотиб олиш баҳоси; Дт 0610, 0620, 0630, 0640, 0690, 5810, 5830, 5890-счётлар Кт 9590 номинал қийматининг харид баҳосидан ошган қисми; Дт 9590 Кт 0610, 0620, 0630, 0640, 0690, 5810, 5830, 5890-счётлар сотиб олиш қийматининг номинал қийматидан ошган қисми.



Молиявий инвестицияларни инвентаризациядан ўтказишнинг хусусияти нафақат қимматли қоғозларнинг ҳақиқатда мавжудлиги, балки қимматли қоғозларни баҳолаш яъни уларнинг қийматини шакллантирувчи ҳақиқий харажатлар тўғрилигини аниқлашдан ҳам иборатдир. Аудитор қимматли қоғозлар бўйича олинган даромадларни бухгалтерия ҳисобида акс эттиришнинг ўз вақтидалиги ва тўлиқлигини текширишда инвентаризация маълумотларидан ҳам фойдаланади.

Қимматли қоғозлар ва берилган қарзлар инвестор учун молиявий инвестициялар объекти бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси «Қимматли қоғозлар бозори ва фонд биржаси тўғрисида»ги қонунга мувофиқ қимматли қоғозлар мулк ҳуқуқларни ёки уларни чиқарган шахслар ва уларнинг эгалари ўртасидаги қарз муносабатларини тасдиқлайдиган, дивидендлар ёки фоизлар кўринишида даромад тўланишини ва ушбу ҳужжатлардан келиб чиқадиган ҳуқуқларни ўтказиб бериш имкониятларини назарада тутувчи пул ҳужжатларидир.

Объектларнинг қимматли қоғозлар каторига тўғри олиб борилганлигини текшириш чоғида корхонанинг қимматли қоғозлар учун ҳуқуқи борлиги ва қимматли қоғозлар бўйича ҳуқуқни бериш қоидаларига риоя қилинишини аниқлаш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси ва Қимматли қоғозлар бозори ва фоня биржаси тўғрисидаги қонунга мувофиқ қимматли қоғозларни туркумлаш юридик аҳамиятга эга.


Ўзбекистон Республикаси «Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси» тўғрисидаги қонунда қимматли қоғозлар бозорида инвестор сифатида катнашадиган юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари аниқ белгиланган. Қимматли қоғозлар қаҳайдир мулк ёки пул суммасига эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи ва мулк муносабатларни ифодаловчи ҳужжат бўлиб, улар тегишли ҳужжат тақдим қилинмасдан сотилиши ёки бошқа бир шахсга берилиши мумкин эмас. Қимматли қоғозларнинг асосий хусусияти ўз эгаларига муттасил ёки бир марталик даромад келтиришидир.

Қимматли қоғозлар икки гуруҳга бўлинади:

1. Мулкка эгалик қилиш муносабатларини ифодаловчи –**акциялар ва пайлар;**
2. Кредит муносабатларини ифодаловчи - **облигациялар, оддий ва ўтказма векселлар, депозит ва жамғарма сертификатлар, ипотекалар ва бошқалар.**

Акциялар ўз эгасининг акциядорлик жамияти капиталида катнашишини тасдиқлайдиган ва ушбу жамият фойдасининг маълум бир қисмини дивиденд сифатида олиш ҳуқуқини таъминлайдиган, жамиятни бошқариш, шунингдек, фойдани ва жамиятни тугатиш чоғида мулкларни тақсимлашда катнашиш ҳуқуқини берадиган қимматли қоғозлардир.

Бухгалтерия ҳисоботлари портфель инвестициялар, яъни корхона томонидан сотиб олинган қарздорлик ва хисса қўшиш ҳақидаги қимматли қоғозлар тўғрисида қониқарли ахборот бериши лозим.



Портфель инвестициялари чет элдаги саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, кредит ва бошқа корхоналарга қилинган узоқ муддатли капитал инвестициялардир. Портфель инвестициялари одатда чет эл акциядорлик компанияларининг акция ва облигацияларини сотиб олиш шаклида амалга оширилади. Қоидага кўра портфел инвестициялари ҳажми корхона акциядорлик капиталининг 10 фоизидан ошмаслиги лозим. Бевосита инвестициялардан фарқли ўлароқ корхона фаолияти устидан бевосита назорат ўрнатиш ёки уларга эгалик қилиш ҳуқуқини бермайди. Шу билан бирга портфель инвестициялари, бошқача қилиб айтганда, молиявий инвестициялар юқори даражадаги ликвидлиги билан ҳам ажралиб туради.

«Портфель инвестициялари»нинг ўз-ўзини суғурта қилиш усулларида бири олди-соттини рўйхатга оладиган агентларни танлаш ва уларнинг фаолиятини муттасил аудиторлик текширувидан ўтказишдир. Бу масалада Ўзбекистон қимматли қоғозлар бозорининг имкониятлари анча чегараланган, чунки муқобил депозитарийлар тармоғи ҳали етарли даражада ривожланмаган.

Облигация қимматли қоғозлар тури бўлиб, унинг эгаси томонидан пул маблағлари топширилганлиги ва унга қимматли қоғозлардаги кўрсатилган муддат давомида белгиланган фоиздаги даромадни ва унинг қийматини олиш ҳуқуқини кафолатлайдиган тасдиқловчи ҳужжатдир. Корхона облигациялари акциялардан фарқли бўлиб, уларнинг эгаларига корхона бошқарувида иштирок этишга ҳуқуқ бермайди.


Вексель ёзма равиҳдаги сўзсиз мажбурият ифодаланган гувоҳлик ёки вексель берувчининг вексель тақдим этувчига ёки векселда кўрсатилган шахсга белгиланган муддат ичида маълум суммани ёки уларнинг мажбуриятларини тўлаш учун берилган кўрсатмадир. Шу билан бирга вексель мустақил тўлов мажбурияти ҳам бўлиб, ҳисоб-китоб амалиётидаги каби Бухгалтерия ҳисоби векселлар бўйича қарзларни векселларни тўловга тақдим этиш ва қабул қилиш бўйича товар етказиб бериш билан боғлиқ бўлган бошқа турдаги қарз мажбуриятларидан ажралиб туришини билдиради.

Оддий векселлар юридик ёки жисмоний шахснинг маълум суммани белгиланган вақтда тўлаш и ҳақидаги қарздорлик мажбуриятидир.

Ўтказма векселлар маълум суммани ўтказма векселни тақдим этувчига тўлаш учун қарздорга бериладиган фармой-ишидир.

Оддий векселдан фарқли ўлароқ, ўтказма векселлар қўлланиладиган ҳисоб-китобларда иккита эмас, балки кўп сонли юридик ва жисмоний шахслар иштирок этишлари мумкин.

Депозит сертификати Ўзбекистон Республикасининг. 2 сентябрь 1993 йилдаги «Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси ҳақидаги» қонунига мувофиқ маълум бир банкда депозит учун ҳуқуқ (яъни банкнинг қарз мажбурияти) берадиган ҳужжатдир ва 22 декабрь 1995 йилдаги «Ўзбекистон Республикасининг қонуний актларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш



хақидаги» қонунига мувофиқ мамлакат ҳудудида қимматли қоғозларнинг ҳосилалари: опционлар, фьючерслар ва ордерлар муомалага чиқарилмоқда.

Опцион унинг эгасига қимматли қоғозлар ёки товарларни контрактда кўрсатилган баҳода белгиланган муддатда сотиб олиш ёки олишдан воз кечиш ҳуқуқини берадиган шартнома-лардир. Мазкур корхонада ходимларнинг маълум миқдордаги акцияларни имтиёзли асосда сотиб олиш ҳуқуқлари; конвертацияланадиган имтиёзли акциялар ёки облигацияларни оддийларига алмаштириш ҳуқуқлари; эмитентнинг облигацияларни оддийларига алмаштириш ҳуқуқлари; эмитентнинг облигацияларни муддатидан олдин қоплаш ҳуқуқлари ва бошқалар опцион ҳисобланади. Бу барча ҳуқуқлар иккиламчи қимматли қоғоз ҳисобланган опцион шартномаси тузилганидан сўнг вужудга келади. Опционларнинг икки тури мавжуд: 1-сотиш опциони қимматли қоғозларни сотиш ҳуқуқи; 2-харид опциони қимматли қоғозларни сотиб олиш ҳуқуқи.

Фьючерслар опционлардан фарқли ўлароқ, маълум қимматли қоғозларни ёки бошқа молиявий инструментларни ёки товарларни келгусида маълум бир санада, контрактда белгиланган баҳолар бўйича сотиш ёки сотиб олиш учун сўзсиз гувоҳлик берувчи иккиламчи қимматли қоғоздир.

Қимматли қоғозлар ҳосилаларидан олинадиган даромад битта ёки бир нечта бозор кўрсаткичлари (индекслар)га боғлиқ. Масалан, фьючерс муомалаларидан олинадиган даромад олди-соттини амалга оширишда товарнинг келгусидаги баҳоси қанчалик тўғри аниқланганлиги ва бу товарга талаб қандай эканлигига боғлиқ.

Қорхоналар бўш турган пул маблағларини қимматли қоғозларга кўйишдан ташқари бошқа корхоналарнинг устав капиталига улуш қўшиш (пай) шунингдек, юридик ва жисмоний шахсларга қарз бериш учун ҳам ишлатишлари мумкин.

Бундай барча молиявий инвестициялар уларнинг муддатига қараб қуйидаги счётларда ҳисобга олинади: а) қисқа муддатли молиявий инвестициялар (1 йилгача):

5810 «Қимматли қоғозлар»

5830 «Берилган қисқа муддатли қарзлар»

5890 «Бошқа жорий инвестициялар»

б) Узоқ муддатли молиявий инвестициялар» (1 йилдан ошиғи):

0610 «Қимматли қоғозлар»

0620 «Шўъба корхоналарга инвестициялар»

0630 «Тобе корхоналарга инвестициялар»

0640 «Хорижий капиталга эга корхоналарга инвестициялар»

0690 «Бошқа узоқ муддатли инвестициялар»

Корхоналар яқин вақтларгача ўзларининг пул маблағларини асосан капитал инвестицияларга сарфлашлари мумкин эди. Буш тўрган пул маблағларидан фойдаланиш имкониятлари-нинг пайдо бўлиши билан янги ҳисоб объектлари каби янги аудит объектлари ҳам вужудга келмоқда.



Қимматли қоғозларда ифодаланган ҳуқуқларни акс эттириш шакли бўйича улар ҳужжатлаштиришли ва ҳужжатлаштиришсиз турларига бўлинади.

Ҳужжатлаштиришли шаклда қимматли қоғоз эгаси тегишли тарзда расмийлаштирилган қимматли қоғоз сертификатини тақдим қилиш асосида аниқланади, бундай депонентга ўтказиш ҳолларида депо счёта бўйича ёзув асосида аниқланади. Бунда аудиторга қимматли қоғоз сертификата ёки депо счётидан кўчирма тақдим қилиниши лозим.

Ҳужжатлаштиришсиз шаклида қимматли қоғоз эгаси қимматли қоғозлар эгалари реестридаги ёзувларга асосан, ёки қимматли қоғозлар депонентланган ҳолларда депо счёти бўйича ёзувлар асосида аниқланади. Бунда аудиторга реестр ёки депо счётидан кўчирма тақдим қилиниши лозим.

Молиявий инвестицияларни ҳисобга олиш ва ҳисоботда акс эттириш услугиётига мувофиқ молиявий инвестицияларни турлари ва қайтариш муддатлари бўйича туркумлаш жадвалда келтирилган.

2.3. Аудит натижаларини расмийлаштирилиши

Молиявий инвестицияларни ҳисобга олишда қўлланиладиган дастлабки ҳужжатларнинг расмийлаштирилишини текширишда шуни ҳисобга олиш зарурки, қимматли қоғознинг ўзи - қатъий шаклдаги ҳужжат бўлиб, унинг шакли ва мажбурий реквизитлари қимматли қоғозларнинг маълум турлари учун қонунчилик билан белгиланган талабларга мос келиши лозим. Қимматли қоғозларда мажбурий реквизитларнинг йўқлиги ёки қимматли қоғознинг белгиланган шаклга мос келмаслиги унинг яроқсизлигидан далолат беради. Шунинг учун аудитор қимматли қоғозлар бланкаларини шаклан текшириш билан бирга, моҳиятан ҳам текширувдан ўтказди. Шунингдек, қимматли қоғозлар қиймат кўрсаткичлари арифметик текширувдан ҳам ўтказилиши зарур.

Молиявий инвестицияларни ҳисобга олишда қўлланилган дастлабки ҳужжатларни текшириш ўта муҳим аҳамиятга эга. Чунки улар қимматли қоғозларга дойр мулкӣ ҳуқуқнинг бир субъектдан иккинчисга ўтишида махсус тартибни белгилайди.

Молиявий инвестицияларни ҳисобга қабул қилиш учун асос бўлувчи ҳужжатларда муайян қимматли қоғозни сотиб олиш мақсади ва ундан фойдаланиш муддати кўрсатилиши шарт.

Молиявий инвестицияларни баҳолаш ва қайта баҳолашнинг умумий қоидалари Ўзбекистон Республикаси «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунда ва 12-сонли «Молиявий инвестициялар ҳисоби» номли БҲМС да белгиланган.

Олди-сотди шартномаси бўйича қимматли қоғозлар сотиб олинганида қилинган молиявий инвестициялар инвестор учун қилинган ҳақиқӣ харажатлар суммасида бухгалтерия ҳисобига қабул қилинади.



Аудитор қимматли қоғозларни баҳолашни текширув чоғида 12-сонли «Молиявий инвестициялар ҳисоби» номли БҲМС нинг 9-19 бандларидаги қоидаларга асосланади. Қимматли қоғозларни сотиб олиш бўйича ҳақиқий харажатлар қуйидагиларни ўз ичига олади: шартномага мувофиқ сотувчига тўланадиган суммалар; қимматли қоғозларни сотиб олиш билан боғлиқ информაციон ва консултацион хизматлар учун ихтисослаштирилган ташкилотлар ёки шахсларга тўланадиган суммалар; қимматли қоғозларни сотиб олишда иштирок қилган воситачи ташкилотларга тўланадиган тўловлар. Қимматли қоғозлар сотиб олиш учун, уларни бухгалтерия ҳисобига қабул қилгунга қадар ишлатилган қарз маблағлар бўйича фоизлар тўлаш учун қилинган сарфлар; қимматли қоғозларни сотиб олиш билан бевосита боғлиқ бўлган бошқа сарфлар.

Қимматли қоғозларни ҳисобга оладиган қийматини шакллантирувчи барча ҳақиқий харажатлар 0610-«Қимматли қоғозлар» ва 5810-«Қимматли қоғозлар» с/ҳ дебетида ҳисобга олинади. Аудитор қимматли қоғозлар сотиб олиш билан боғлиқ бўлган харажатлар таркибини, ушбу харажатларни молиявий инвестициялар қийматига қўшишнинг қонунийлигини, бу харажатларнинг тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланганлигини текширади.

Молиявий инвестицияларнинг ҳисобга қабул қилинган баҳоси, қоидага кўра, ўзгатирилмайди. Қарзли қимматли қоғозлар бундан мустасно.


Қимматли қоғозлар шартномага мувофиқ текинга олинганида олинган вақтидаги бозор баҳоси бўйича баҳоланади.

Агар молиявий инвестициялар чет эл валютасида амалга оширилса, бундай муомалаларнинг валюта муомалаларини тартибга соладиган меъёрий ҳужжатларга мувофиқлигини текшириш зарур.

Қиймати чет эл валютасида ифодаланган молиявий инвестициялар Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан белгиланган, муомала содир бўлган кунда амал қилаётган валюта курси бўйича сўмга ҳисоблаб баҳрланади.

Аудитор қайтариш муддати бир йилдан ошiq қимматли қоғозлар ҳам қайта баҳоланаётганлигини текшириш лозим. Чунки, курс тафовутини қайта баҳолаш ва ҳисобда акс эттириш фақат қисқа муддатли молиятшй кўйкмлалар таркибида ҳисобга олинадиган қимматли қоғозлар, ҳамда корхона томонидан белгиланган тартибда депозитга жойлаштирилган пул маблағларм бўйича амалга оширилади. Бшқа корхоналарнинг устав капиталига кўшилган улушлар таъсис шартномасида белгиланган (келишилган) қиймат бўйича баҳоланади. Корхона мулкани бошқа корхона устав капиталига улуш сифатида берихда молиявий инвестициялар шартнома қиймати ва берилганг мулклар қиймати ўртасидаги фарқларни ҳисобда акс эттиришнинг тўғрилигини текшириш зарур.

Корхонанинг молиявий инвестициялардан оладиган даромадлари 9520-«Дивиденд кўринишидаги даромадлар», 9530-«Фоиз кўринишидаги даромадлар» ва 9560 - «Қимматли қоғозларни қайта баҳолашдан олинадиган даромадлар» с/ҳларида ҳисобга олинади ва «Маҳсулот (иш, хизмат) лар



таннархига қўшиладиган маҳсулот ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизм кўрсатиш) ва реализация харажатларининг таркиби ҳамда молия натижаларини шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом» га мувофиқ молиявий фаолиятдан олинган даромадлар қаторига киритилади.

«Харажатлар таркиби... тўғрисидаги Низом» да (В бўлими 3§ «Молиявий фаолиятдан олинган даромадлар», 3,5-модда «қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар», шуъба корхоналарга берилган маблағлар ва шу кабиларни қайта баҳолашдан олинган фойда, шунингдек, В. бўлими, 3§ «Молиявий фаолиятга дойр чиқимлар», 3, 4-модда «Қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар» (шуъба корхоналарга берилган маблағлар ва шу кабилар) ни қайта баҳолашдан кўрилган зарарлар қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар ва шуъба корхоналарга берилган маблағларни ҳар чорақда (йилда) қайта баҳолаш, яъни уларни балансда бозор баҳоси бўйича акс эттириш тавсия этилади. Аммо, бундай ҳисоб юритиш сиёсатига қимматли қоғозлар бозори кенг ривожланганда эришилиб, бозор қиймати ҳақида мунтазам ахборотлар мавжуд шароитда бўлиши мумкин.


Аудитор сотиб олинган қимматли қоғозлардан ташқари корхонанинг ўзида чиқарилган қимматли қоғозлар сақланиши ҳам мумкинлигини билиши зарур. Бундай қимматли қоғозлар ўз жамоаси аъзоларига сотилгунча ёки биржага берилгунга қадар 006-«Қатъий ҳисобот бланкалари» деган балансдан ташқари счётада ҳисобга олинади.

Қўшимча даромад олиш мақсадида иккиламчи сотиш учун биржада сотиб олинган ёки жисмоний шахслардан (масалан, корхона ходими ишдан бўшаб кетаётганида) сотиб олинган корхона акциялари 8620-«Сотиб олинган хусусий акциялар — имтиёзли» счётида ҳисобга олинади ва қуйидаги бухгалтерия ёзуви билан расмийлаштирилади: Дт 8620-«Сотиб олинган хусусий акциялар — имтиёзли» счёти ва Кт 5010, 5110-счётлар - қимматли қоғозларнинг харид қийматига. Корхона акцияларини иккиламчи сотиш қуйидагича акс эттирилади:

1. Дт 5010, 5110, 5210, 5220 Кт 9220- иккиламчи сотиш қийматига.
2. Дт 9220 Кт 5610 (махсус субсчёт) қимматли қоғозларнинг харид баҳоси.
3. Дт 9220 Кт 9590 иккиламчи сотиш қийматининг харид баҳосидан ошган қисми.

Агар харид қиймати иккиламчи сотиш қийматидан юқори бўлса, у ҳолда Дт 9690 Кт 9220 проводка тузилади. Аудитор бундай ҳолларда самарасиз молиявий муомалалар амалга оширилганлигининг объектив (балки субъектив) сабабларини аниқлаш, оқилона иш юритилганда йўл инвестицияслиги мумкин йўқотишлар кўламини аниқлаши ва бу ҳақда директорлар кенгашида ёки акциядорлар мажлисида билдириши зарур.

Бошқа корхоналарнинг устав капиталига ҳисса қўшиш кўринишидаги қилинган молиявий инвестициялар аудита ушбу корхоналар уставларини таҳлил қилиб, даромад олиш шартларини ҳамда бундай инвестициялар



самарадорлигининг тўғрилиги ва ҳисобда тўлиқ акс эттирилганлигини аниқлашдан иборат.

Шунингдек, векселга берилган қарзлар ҳам молиявий инвестициялар бўлиб ҳисобланади. Улар қуйидагича акс эттирилади: Дт 0610, 5810 Кт 5110, 5210, 5220 векселга берилган қарз суммасига.

Векселлар уларда акс эттирилган суммалар, яъни номинал қиймати ва сотиб олиш баҳоси ўртасидаги фарқдан даромад олиш мақсадида сотиб олинганида бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

Дт 5810 Кт 5110, 5210, 5220 векселнинг сотиб олиш қийматига.

Дт 5810 Кт 9590 векселда кўрсатилган сумма ва сотиб олиш қиймати ўртасида фарқ даромадга олинганида.

Молиявий инвестициялар бошқа корхоналар фаолиятида ҳисса қўшиб иштирок этиш, акциялар бўйича дивидендлар ва облигациялар бўйича даромадлар олиш мақсадида амалга оширилиб, ҳисобда қуйидагича акс эттирилади:

Дт 5110, 5220, 5220 Кт 9520, (9530)- олинган дивидендлар (фоизлар) суммасига.

Даромадларнинг тўлиқ акс эттирилганлигини текширишда, уларнинг миқдори бухгалтерияда ҳисобга олиш мақсадида қуйидаги шарт-шароитлар мавжуд бўлганда тан олинади:

- корхона ушбу даромадларни олиш ҳуқуқига эга;
- даромадлар суммаси аниқланган бўлиши мумкин;
- муайян муомала натижасида корхона иқтисодий манфаатининг кўпайишига ишонч бўлганида.


Корхонанинг молиявий инвестициялардан олган барча даромадлари солиққа тортиш мақсадида иккита гуруҳга бўлинади:

- умум қабул қилинган тартибда реализациядан ташқари даромадлар таркибида солиққа тортиладиган даромадлар (ҳамкорликдаги фаолиятдан олинган даромадлар);

- махсус тартибда солиққа тортиладиган даромадлар. Буларга акциядор - корхонага тегишли ва бу қимматли қоғозлар эгасининг эмитент - корхона фойдасини тақсимлашда иштирок этиш ҳуқуқини тасдиқловчи акциялар бўйича олинган даромадлар;

Ўзбекистон Республикаси давлат қимматли қоғозлари ва маҳаллий органлар қимматли қоғозлари; Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ташкил қилинган бошқа корхоналар устав капиталида ҳисса қўшиб иштирок этишдан олинган даромадлар. Бундай даромадлар белгиланган фоиз ставка бўйича солиққа тортилади ва даромадларни тўлаш манбаларидан тўланади.

Қимматли қоғозлар бозори ривожланган давлатларда дивиденд даромадининг 0, 15, 25 (яъни 15-25 фоизи) бўлиши нормал ҳолат бўлиб ҳисобланади. Инфляция кузатилаётган шароитда эса бу кўрсаткич бирдан катта (яъни 100 фоиз ва ундан юқори) бўлиши мумкин.



Акциялар бозор баҳосининг улар номинал қийматига нисбатан йилда йилга ўсиб бориши ҳам корхона раҳбария-тининг оқилона иш юритаётганлигидан далолат беради.

3-боб. Қимматли қоғозлар ҳисоби ва аудити мавзусини интерфаол стратегиялар асосида ўқитиш методикаси

3.1. Педагогик технологиялар мазмуни ва таркиби


Таълим жараёнида интерфаол методлар, инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларини таълим жараёнида қўллашга бўлган қизиқиш, эътибор кундан-кунга кучайиб бормокда. Демак, бунинг асосий сабабларидан бири, шу вақтгача анъанавий таълимда ўқувчи-талабалар фақат тайёр билимларни эгаллашга ўргатилган бўлса, замонавий технологиялар эса, уларни эгаллаётган билимларини ўзлари қидириб топишларига, мустақил ўрганиб, таҳлил қилишларига, ҳатто хулосаларни ҳам ўзлари келтириб чиқаришларига ўргатади. Ўқитувчи бу жараёнда шахснинг ривожланиши, шаклланиши, билим олиши ва тарбияланишига шароит яратади ва шу билан бир қаторда бошқарувчилик, йўналтирувчилик функцияларини бажаради. Таълим жараёнида ўқувчи-талаба асосий фигурага айланади.

Педагогик технология усулининг ўзига хос хусусияти шундаки, унда таълимнинг режалаштирилган мақсадига эришишни кафолатлайдиган ўзлаштириш жараёни лойиҳалаштирилади.

Мақсадни кўзлаш, жорий натижаларни текшириб бориш, ўқув материални айрим бўлақларга ажратиш – ўқув жараёнини ташкил этишнинг бу белгилари - қайта ишлаб чиқиладиган яъни такрорланадиган таълим циклига хос хусусиятлардир.

Бошқача айтганда, такрорланадиган таълим циклининг асосий қисмлари қуйидагилар:

- таълим мақсадларини умумий белгилаш;
- умумий мақсадни ойдинлаштириб, ўқув мақсадларига айлантириш;
- ўқув амаллари мажмуи;



- таълим натижасини баҳолаш.

Ўқув жараёни бундай такрорланадиган шаклга эга бўлгани учун модул характери киб касб этади, алоҳида қисмларга ажратилади, улар турли мазмунга ва умумий тузилишга эга бўлади.

Таълим жараёнини педагогик технологияга биноан ташкил этиш учун лойиҳалаштириш босқичида юқори малака талаб этилади, етакчи педагоглар гуруҳи педагогик технология қоидалари ва принциплари асосида методик материалларни ишлаб чиқади. Бундай материаллар мавжуд бўлса, ўқитувчининг вазифаси асосан ташкилий ишлар ва маслаҳат беришдан иборат бўлади.


Ўқув жараёнининг ҳамма босқичларида асосий эътибор таълим натижасига эришишга қаратилади.

Педагогик технология усулига умумлаштириб айтганда қуйидагилар киради:


1. Таълимнинг умумий мақсадлари, муҳим масалалари таснифи.
2. Ойдинлаштирилган мақсад (ўқув вазифа)ларини ишлаб чиқиш.
3. Таълимнинг мақсадларини назорат (тест) топшириқларига айлантатириш.
4. Мақсадларга эришиш усуллари.
5. Таълим мақсадларига эришилганини баҳолаш.

Буларнинг ҳар бири педагогик амалларнинг қулайлаштирилган тизимидир.

1-чизма



Педагогик технологиялар масалалари, муаммоларини ўрганаётган ўқитувчилар ва амалиётчиларнинг фикрича, педагогик технология – бу фақат



ахборот технологияси билан боғлиқ ҳолда ўқитиш жараёнида қўлланиш зарур бўлган ТСО, компьютер, масофали ўқиш ёки турли техникалардан фойдаланиш деб белгиланади. Бизнинг фикримизча, педагогик технологиянинг энг асосий негизи – бу ўқитувчи ва талабанинг белгиланган мақсаддан кафолатланган натижага ҳамкорликда эришишлари учун танлаган технологияларига боғлиқ деб ҳисоблаймиз. Таълим жараёнида мақсад бўйича кафолатланган натижага эришишда қўлланиладиган ҳар бир таълим технологияси, ўқитувчи ва талаба ўртасида ҳамкорлик фаолиятини ташкил эта олса, ҳар иккаласи ижобий натижага эриша олса, ўқув жараёнида талабалар мустақил фикрлай олсалар, ижодий ишлай олсалар, излансалар, таҳлил эта олсалар, ўзлари хулоса чиқара олсалар, ўзларига, гуруҳга, гуруҳ эса уларга баҳо бера олса, ўқитувчи эса уларнинг бундай фаолиятлари учун имконият ва шароит ярата олса, бизнинг фикримизча, ана шу ўқитиш жараёнининг асоси ҳисобланади. Ҳар бир машғулоти, мавзу, ўқув предметининг ўзига хос технологияси бор, яъни ўқув жараёнидаги педагогик технология – бу яқка тартибдаги жараён бўлиб, у талабанинг эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда бир мақсадга йўналтирилган, олдиндан лойиҳалаштиришдан ва кафолатланган натижа беришига қаратилган педагогик жараёндир.

Ўқитувчи ва талабанинг мақсаддан натижага эришишида қандай технологияни танлашлари улар ихтиёрида, чунки ҳар иккала томоннинг асосий мақсади аниқ: натижага эришишга қаратилган, бунда талабаларнинг билим савияси, гуруҳ характери, шароитга қараб ишлатиладиган технология танланади. Масалан, натижага эришиш учун компьютер билан ишлаш лозимдир, балким фильм, тарқатма материал, чизма ва плакатлар, турли адабиётлар, ахборот технологияси керак бўлар, булар эса ўқитувчи ва талабага боғлиқ.

Шу билан бир қаторда ўқитиш жараёнини олдиндан лойиҳалаштириш зарур, бу жараёнда ўқитувчи ўқув предметининг ўзига хос томонини, жой ва шароитни, ТСОни, энг асосийси, талабанинг имконияти ва эҳтиёжини ҳамда ҳамкорликдаги фаолиятни ташкил эта олишини ҳисобга олиши керак, шундагина, керакли кафолатланган натижага эришиш мумкин.

Ўқитувчи томонидан ҳар бир машғулоти яхлит ҳолатда кўра билиш ва уни тасаввур этиш учун бўлажак машғулоти жараёнини лойиҳалаштириб олиш керак. Бунда ўқитувчига у томонидан бўлажак машғулоти технологик харитасини тузиб олиши катта аҳамиятга эгадир, чунки машғулотнинг технологик харитаси ҳар бир мавзу, ҳар бир машғулоти учун ўқитиладиган предмет, фаннинг хусусиятидан, талабаларнинг имконияти ва эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда тузилади.

Бундай технологик харитани тузиш осон эмас, чунки бунинг учун ўқитувчи педагогика, психология, хусусий методика, педагогик ва ахборот технологиялардан хабардор бўлиши, шунингдек, жуда кўп методлар, усулларни билиши керак бўлади. Ҳар бир ўқитиладиган машғулоти ранг-



баранг, қизиқарли бўлиши аввалдан пухта ўйлаб тузилган машғулотнинг лойиҳалаштирилган технологик харитасига боғлиқ.

Машғулотнинг технологик картасини қай кўринишда ёки шаклда тузиш, бу ўқитувчининг тажрибаси, қўйган мақсади ва ихтиёрига боғлиқ. Технологик карта қандай тузилган бўлмасин, унда машғулот жараёни яхлит ҳолда акс этган бўлиши ҳамда аниқ белгиланган мақсад, вазифа ва кафолатланган натижа, машғулотни ташкил этишнинг технологияси тўлиқ ўз ифодасини топган бўлиши керак. Технологик картани тузилиши ўқитувчини машғулотни кенгайтирилган конспектини ёзишдан халос этади, чунки бундай картада машғулот жараёнининг барча қирралари ўз аксини топади.

Ўқитувчи томонидан ўзи ўқитаётган фаннинг ҳар бир машғулот мавзуси бўйича тузилган технологик карта унга фани, предметини яхлит ҳолда тасаввур этиб ёндошишга, тушунишга, яъни, бир семестр, ёки ўқув йили бўйича яхлит ўқув жараёнининг бошланиши, мақсадидан тортиб, эришиладиган натижасини кўра олишига ёрдам беради. Айниқса, технологик картани талабанинг имконияти, эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда тузилиши, уни шахс сифатида таълимнинг марказига олиб чиқишга олиб келади. Бу эса ўқитишнинг самарадорлиги ошишига имкон яратади.

3.2. Маъруза машғулоти методикаси

Мавзу. Қимматли қоғозлар бўйича муомалалар ҳисоби ва аудити


Таълим бериш технологиясининг модели

<i>Машғулот вақти-2 соат</i>	<i>Талаблар сони: 20 – 80 гача</i>
<i>Машғулот шакли</i>	Муаммоли маъруза
<i>Маъруза режаси</i>	1. Жаҳон молиявий инқирози шароитларида корхона қимматли қоғозлари моҳияти ва турлари. 2. Корхона қимматли қоғозининг баҳоланиши ва ўлчаниши. 3. Корхона қимматли қоғозининг ва улардан даромаднинг синтетик ва аналитик ҳисоби. 4. Корхона қимматли қоғозлари аудитининг асослари ва режалаштирилиши. 5. Қимматли қоғозлар аудитини ўтказиш. 6. Аудит натижалар таҳлили ва расмийлаштирилиши.
<i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> Қимматли қоғозлар ҳисоби ва аудити ҳақида билимларни шакллантириш.	

<i>Педагогик вазифалар:</i>	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i>
1. Жаҳон молиявий инқирози шароитларида корхона қимматли қоғозлари моҳияти ва турлари билан таништириш.	1. Жаҳон молиявий инқирози шароитларида корхона қимматли қоғозлари моҳияти ва турлари билан таништирилади.
2. Корхона қимматли қоғозларининг баҳоланиши ва ўлчанишини ёритиб бериш.	2. Корхона қимматли қоғозларининг баҳоланиши ва ўлчанишини ёритиб берилади.
3. Корхона қимматли қоғозининг ва улардан даромаднинг синтетик ва аналитик ҳисобини ўргатиш.	3. Корхона қимматли қоғозининг ва улардан даромаднинг синтетик ва аналитик ҳисобини ўргатилади.
4. Корхона қимматли қоғозлари аудитининг асослари ва режалаштирилишини тушунтириш.	4. Корхона қимматли қоғозлари аудитининг асослари ва режалаштирилишини тушунтирилади.
5. Қимматли қоғозлар аудитини ўтказиш бўйича кўникмани шакллантириш.	5. Қимматли қоғозлар аудитини ўтказиш бўйича кўникмани шакллантирилади.
6. Аудит натижалар таҳлили ва расмийлаштирилишини ўргатиш.	6. Аудит натижалар таҳлили ва расмийлаштирилишини ўргатилади.
<i>Ўқитиш усуллари</i>	Маъруза, муаммоли усул, мунозара, биргаликда ўқиш, баҳс
<i>Ўқитиш шакллари</i>	Фронтал, жамоавий
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Ўқув қўлланма, проектор, кўргазмали материаллар
<i>Ўқитиш шароити</i>	УТВ билан ишлашга мослаштирилган аудитория
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Оғзаки назорат: савол-жавоб шакли Ёзма назорат: тест

Муаммоли маърузани технологик картаси

Ишлаш босқичлари, вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талабалар
1-босқич. Мавзуга кириш (5 дақиқа)	1.1. Экранга курснинг тузилмавий мантикий чизмасини чиқаради, бугунги мавзунинг ўқув курсидаги ўрнини белгилайди. 1.2. Олдинги машғулотда кўриб чиқилган масалалар ва ечимларини эслатади. 1.3. Ўқув машғулотининг мақсади ва ўқув	Тинглашади.



	фаолиятининг натижаларини айтади.	
2-босқич. Асосий (60 дақиқа)	2.1. Машғулотда ечиладиган муаммога талабаларни «Кирилади» ва уни шакллантиради (Жаҳон молиявий инқироzi шароитида молиявий инвестициялар ҳисоб зарурлигини асослаш лозимлиги). 2.2. Кейинги иш мунозара шаклида ўтишини эълон қилади. 2.3. Муаммони ечишни ташкил қилади. Инвестициялар моҳияти ва мазмунини таҳлил қилади. 2.4. Муаммони ечиш усуллари топишни ташкил қилишга ўтади: биринчи муаммо ости муаммони шакллантиради, сўнгра муаммоли саволларни қўйиш ва уларга берилган жавобларни муҳокама қилиш билан талабаларни уни ечиш усулини топишга олиб келади: биринчи оралиқ хулосага. Шунга ўхшаб кейинги муаммо ости муаммоларни ечиш усуллари топиш жараёнини ташкил қилади. Талабалар билан таҳмин қилинган ечимларни мунозара қилади ва уларда пайдо бўлган қийинчиликларни аниқлайди. 2.5 Машғулотни ташкил қилиш учун қўшимча саволлар ва хулосалар ва кўргазмали материаллардан фойдаланади. Муаммо бўйича якуний хулосани шакллантиради.	Муаммони ёзишади. Саволларга жавоб беришади.
3-босқич. Якуний (15 дақиқа)	3.1. Машғулот бўйича якунловчи хулосалар қилади. 3.2. Мустақил ишлаш учун топшириқ: тестларга ёзма равишда жавоб бериш.	Топшириқни ёзишади.

Қўшимча саволлар ва хулосалар

Муаммони шаклланиши: Жаҳон молиявий инқирози шароитида қимматли қоғозлар қандай аҳамият касб этмоқда ва Ўзбекистон иқтисодиётига ЖМИнинг салбий таъсирини қандай минималлаштиришда қандай аҳамиятга эга?

Ечиладиган муаммо ости муаммолари:

1. Қимматли қозғозларнинг қандай турлари мавжуд?

Билимларни жонлаштириш.

1.1. Молиявий инвестициялар зарурлиги?



1.2. Корхона маблағларидан самарали фойдаланишда қимматли қоғозларнинг роли нимада ифодаланади?

Хулоса. Жаҳон молиявий инқирози шароитида қимматли қоғоз маблағларнинг ҳаракатчанлигини ошириш воситаси бўлиб хизмат қилади, корхонанинг рақобатбардошлигини мустаҳкамлайди, корхонани инқирознинг салбий таъсиридан ҳимоя қиладиган тўсиқ ва ҳимоя воситаси бўлиб хизмат қилади.

2. Корхона молиявий қўйилмалари баҳоланиши ва ўлчаниши мақсади ва мазмуни қандай?

Билимларни жонлаштириш.

2.1. Қимматли қоғозларнинг номинал қиймати ва реал қиймати қандай?


2.2. Қимматли қоғозни баҳолаш орқали қандай вазифалар ечилади?

Хулоса. Жаҳон молиявий инқирози таъсирига қарши туриш чораларидан бири корхона учун қимматли қоғозлардан фойдаланиш бўлиб, бу билан боғлиқ чора-тадбирлар орқали ҳал этилиши лозим бўлган асосий вазифалар қўйилмалар ҳисобининг оқилона ташкил этилиши билан чамбарчас боғлиқ.

3.3. Амалӣй машғулот методикаси

Таълим бериш технологияси модели


<i>Машғулот вақти-2 соат</i>	Талаблар сони: 20 – 30 гача
<i>Машғулот шакли</i>	Мавзу бўйича билимларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш юзасидан амалӣй машғулот
<i>Машғулот режаси</i>	1. Жаҳон молиявий инқирози шароитларида корхона қимматли қоғозлари моҳияти ва турлари. 2. Корхона қимматли қоғозларининг баҳоланиши ва ўлчаниши. 3. Корхона қимматли қоғозларининг ва улардан даромаднинг синтетик ва аналитик ҳисоби. 4. Корхона қимматли қоғозлари аудитининг асослари ва режалаштирилиши. 5. Қимматли қоғоз аудитини ўтказиш. 6. Аудит натижалар таҳлили ва расмийлаштирилиши.
<i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> мавзу бўйича билимларни мустаҳкамлаш, кенгайтириш ва чуқурлаштириш.	
<i>Педагогик вазифалар:</i> • мавзу бўйича билимларни ўзлаштириш ва кенгайтиришга мотивация яратиш; • мавзу бўйича билимларни мустаҳкамлаш; • ахборотни таҳлил қилиш, тизимлаштириш, солиштириш ва умумлаштириш бўйича кўникмалар ишлаб чиқиш; • мавзу саволлари бўйича изоҳлаш ва шакллантириш жараёнини ташкил қилиш.	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i> Талабалар молиявий инвестициялар баҳоланиши, аналитик ва синтетик ҳисобларда акс эттирилиши бўйича билимларга эга бўладилар
<i>Ўқитиш усуллари</i>	Гуруҳларда ишлаш, тақдимот, график органайзер
<i>Ўқитиш шакллари</i>	Фронтал, жамоавий, индивидуал.
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Ўқув қўлланма, проектор, график органайзерлар.



Ўқитиш шароити	УТВ билан ишлаш мослаштирилган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат: савол-жавоб шакли

Амалий машғулот технологик картаси

Ишлаш босқичла- ри, вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талабалар
1-босқич. Мавзуга кириш (10 дақ.)	1.1. Ўқув машғулотни мавзуси, мақсади, муҳокама учун саволлар, кўзланаётган натижалар ва машғулотни олиб бориш хусусиятларини маълум қилади. Энг юқори балл тўплаган гуруҳ ғолиб бўлишини эълон қилади. Гуруҳларда ишлаш қондаси билан таништиради.	Тинглайдилар. Саволларга жавоб берадилар.
2-босқич. Асосий (65 дақиқа)	2.1. Талабаларни 3 гуруҳга бўлади. Ўқув топшириғини тарқатади (2-илова). Кўзланаётган қандай ўқув натижаларига эга бўлинишини аниқлайди. Иш тартиби ва регламенти, баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичларини тушунтиради (3-илова). 2.2. Гуруҳларда иш бошланганлигини маълум қилади. Кузатувчи сифатида гуруҳ ишини назорат қилади, алоҳида ишларни ташкил қилиш бўйича аниқ кўрсатмалар беради, очиқ саволлар беради: “Нима учун худди шундай...?, Сизнингча энг яхшиси қандай?” 2.3. Гуруҳларга жадвал саволларини бўлиб ташлайди, ҳар бир гуруҳга битта саволга жавоб беришни таклиф қилади. Жадвалнинг 4 саволи бўйича барча гуруҳлар ўзларининг жавоб вариантларини беришларини сўрайди. Ўқув натижаларини шарҳлайди, топшириқни бажариш жараёнидаги қилинган алоҳида хулоса, умумлаштиришларга аҳамият беради ва гуруҳларни ўзаро баҳолашларини ташкиллаштиради.	Ўқув топшириқлари, баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари билан танишадилар. Гуруҳ аъзолари жадвал тўлдирадилар. Ўқув топшириғи бўйича гуруҳли иш натижаларини ифодалайдилар ва тақдимот вароқларини расмийлаштирадилар. Тақдимотга тайёрланадилар. Берилган савол бўйича гуруҳ фаоллари тақдимот қиладилар ва бошқа гуруҳлар аъзолари жавобни тўлдирадилар. Ўзаро баҳолайдилар.



3-босқич. Якуний (5 дақиқа)	3.1. Гуруҳларнинг ўзаро баҳолашнинг якунини чиқаради, ўқув фаолият натижаларини таҳлил қилади.	Тинглайдилар.
-----------------------------------	--	---------------

Гуруҳларда ишлаш қондаси

- Шеригингизни диққат билан тингланг.
- Гуруҳ ишларида ўзаро фаол иштирок этинг, берилган топшириқларга масъулият билан ёндошинг.
- Агар ёрдам керак бўлса, албатта мурожаат килинг.
- Агар сиздан ёрдам сўрашса, албатта ёрдам беринг.
- Гуруҳлар фаолиятининг натижаларини баҳолашда ҳамма иштирок этиши шарт.

Аниқ тушунмоғимиз лозим:

- Бошқаларга ўргатиш орқали ўзимиз ўрганамиз;
- Биз битта кемадамиз: ёки биргаликда сузиб чиқамиз, ёки биргаликда чўкиб кетамиз.

Ўқув топшириғи


1. Аввал олинган билимларни қўллаб, жадвални тўлдириг.
2. Саволлар бўйича бирга тақдимот қилинг (1-3)

Иш тартиби ва регламенти

1. Гуруҳларда ишлаш - 20 дақиқа.
2. Тақдимот - 10 дақиқа.
3. Жамоавий муҳокама ва ўзаро баҳолаш – 15 дақиқа

Ўқув фаолиятини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари

Гуруҳлар	Савол ёритилишининг тўлиқлиги (5 балл)	Жавобларга бошқа гуруҳларнинг тўлдириши (0,5 баллдан)	Башорат варианти (2 балл)	Умумий балл
1				
2				
3				



Хулоса

Қимматли қоғозлар бўйича муомалалар ҳисоби ва аудити муҳим аҳамиятга эга. Чунки купчилик хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолият юритишида инвестиция фаолияти муҳим унсур бўлиб ҳисобланади. Молиявий қўйилмалар уларни таснифлаш ва ҳисобга олиш усули тўғрисидаги тушунча, шунингдек уларга оид ахборотни молиявий ҳисоботларда очиқ бериш "Молиявий қўйилмалар ҳисоби" номли 12 сон БХМСда акс эттирилган

Молиявий қўйилмалар-даромад олиш учун (худди) фоизлар роялти, дивидентлар ва ижара хаки сингари ва асосий капитал қийматни купайтириш мақсадида унинг тасарруфида булган корхона активларидир.

Қимматли қоғозлар ўз мақсадига кўра узок ва киска муддатли инвестицияларга бўлинади.

Киска муддатли еки жорий инвестициялар узида муоммала муддати 12 ойдан ошмайдиган енгил сотиладиган моддий активларнинг харид қилинишига оид харажатларни акс эттиради. Улар бухгалтерия ҳисобида 5810 "Қиска муддатли Қимматли қоғозлар" баланс счётида оборот маблағлар сифатида қуйидагиларни акс эттиради:


- облигациялар, давлат ва маҳаллий қарзлар турли корхоналар ва тадбиркорларнинг шунга ухшаш қимматли қоғозларини олишга оид киска муддатли харажатлар ҳаракати ва қолдиқлари;

- банкнинг депозит счётларига еки узга хил айна ухшаш қўйилмаларни жалб қилинган пул маблағларининг ҳаракати ва қолдиқлари;

- жисмоний ва юридик шахсларга берилган киска муддатли пул ва узга хил қарзларнинг ҳаракати.

Узок муддатли молиявий қўйилмалар —бу узок муоммала муддатига эга булган (12 ойдан ортиқ) активларнинг сотиб олинишига оид қойилмалардир. Улар бухгалтерия ҳисобида 0600—"Узок муддатли молиявий қўйилмалар" баланс счётида узок муддатли активлар сифатида юритилади. Шунингдек, молиявий қўйилмаларни қаерда ва нимага сарфланишига кўра турларга ажратиш лозим. Масалан, қишлоқ хўжалигидаги асосий воситаларга еки саноатдаги материаллар олинишига кўра сарфланишига туркумланиши мумкин.

Аудитор қимматли қоғозларни баҳолашни текширув чоғида 12-сонли «Молиявий инвестициялар ҳисоби» номли БХМС нинг 9-19 бандларидаги қоидаларга асосланади. Қимматли қоғозларни сотиб олиш бўйича ҳақиқий харажатлар қуйидагиларни ўз ичига олади: шартномага мувофиқ сотувчига тўланадиган суммалар; қимматли қоғозларни сотиб олиш билан боғлиқ информатсион ва консултация хизматлар учун ихтисослаштирилган ташкилотлар ёки шахсларга тўланадиган суммалар; қимматли қоғозларни сотиб олишда иштирок қилган воситачи ташкилотларга тўланадиган тўловлар. Қимматли қоғозлар сотиб олиш учун, уларни бухгалтерия ҳисобига қабул қилгунга қадар ишлатилган қарз маблағлар бўйича фоизлар тўлаш



учун қилинган сарфлар; қимматли қоғозларни сотиб олиш билан бевосита боғлиқ бўлган бошқа сарфлар.

Қимматли қоғозларни ҳисобга оладиган қийматини шакллантирувчи барча ҳақиқий харажатлар 0610-«Қимматли қоғозлар» ва 5810-«Қимматли қоғозлар» счетлар дебитида ҳисобга олинади. Аудитор қимматли қоғозлар сотиб олиш билан боғлиқ бўлган харажатлар таркибини, ушбу харажатларни молиявий инвестициялар қийматига қўшишнинг қонунийлигини, бу харажатларнинг тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланганлигини текширади.

Қимматли қоғозларнинг ҳисобга қабул қилинган баҳоси, қоидага кўра, ўзгатирилмайди. Қарзли қимматли қоғозлар бундан мустасно.

Қимматли қоғозлар шартномага мувофиқ текинга олинганида олинган вақтидаги бозор баҳоси бўйича баҳоланади.


Агар қимматли қоғозлар чет эл валютасида амалга оширилса, бундай муомалаларнинг валюта муомалаларини тартибга соладиган меъёрий ҳужжатларга мувофиқлигини текшириш зарур.

Қиймати чет эл валютасида ифодаланган молиявий инвестициялар Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан белгиланган, муомала содир бўлган кунда амал қилаётган валюта курси бўйича сўмга ҳисоблаб баҳрланади.

Аудитор қайтариш муддати бир йилдан ошиқ қимматли қоғозлар ҳам қайта баҳоланаётганлигини текшириш лозим. Чунки, курс тафовутини қайта баҳолаш ва ҳисобда акс эттириш фақат қисқа муддатли молиятшй кўйкмалар таркибида ҳисобга олинadиган қимматли қоғозлар, ҳамда корхона томонидан белгиланган тартибда депозитга жойлаштирилган пул маблағларм бўйича амалга оширилади. Бшқа корхоналарнинг устав капиталига қўшилган улушлар таъсис шартномасида белгиланган (келишилган) қиймат бўйича баҳоланади. Корхона мулкани бошқа корхона устав капиталига улуш сифатида берихда молиявий инвестициялар шартнома қиймати ва берилганг мулклар қиймати ўртасидаги фарқларни ҳисобда акс эттиришнинг тўғрилигини текшириш зарур.

Корхонанинг қимматли қоғозлардан оладиган даромадлари 9520-«Дивиденд кўринишидаги даромадлар», 9530-«Фоиз кўринишидаги даромадлар» ва 9560 - «Қимматли қоғозларни қайта баҳолашдан олинadиган даромадлар» счётларида ҳисобга олинади ва «Маҳсулот (иш, хизмат) лар таннархига қўшиладиган маҳсулот ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) ва реализация харажатларининг таркиби ҳамда молия натижаларини шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом» га мувофиқ молиявий фаолиятдан олинган даромадлар қаторига киритилади.

Ўқитувчи томонидан ҳар бир машғулотни яхлит ҳолатда кўра билиш ва уни тасаввур этиш учун бўлажак машғулот жараёнини лойиҳалаштириб олиш керак. Бунда ўқитувчига у томонидан бўлажак машғулотни технологик харитасини тузиб олиши катта аҳамиятга эгадир, чунки машғулотнинг технологик харитаси ҳар бир мавзу, ҳар бир машғулот учун ўқитилаётган




предмет, фаннининг хусусиятидан, талабаларнинг имконияти ва эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда тузилади.

Бундай технологик харитани тузиш осон эмас, чунки бунинг учун ўқитувчи педагогика, психология, хусусий методика, педагогик ва ахборот технологиялардан хабардор бўлиши, шунингдек, жуда кўп методлар, усулларни билиши керак бўлади. Ҳар бир ўтиладиган машғулоти ранг-баранг, қизиқарли бўлиши аввалдан пухта ўйлаб тузилган машғулоти лойиҳалаштирилган технологик харитасига боғлиқ.

Машғулоти технологик картасини қай кўринишда ёки шаклда тузиш, бу ўқитувчининг тажрибаси, қўйган мақсади ва ихтиёрига боғлиқ. Технологик карта қандай тузилган бўлмасин, унда машғулоти жараёни яхлит ҳолда акс этган бўлиши ҳамда аниқ белгиланган мақсад, вазифа ва кафолатланган натижа, машғулоти ташкил этишнинг технологияси тўлиқ ўзифодасини топган бўлиши керак. Технологик картани тузилиши ўқитувчини машғулоти кенгайтирилган конспектини ёзишдан халос этади, чунки бундай картада машғулоти жараёнининг барча қирралари ўз аксини топади.

Ўқитувчи томонидан ўзи ўқитаётган фаннинг ҳар бир машғулоти мавзуси бўйича тузилган технологик карта унга фани, предметини яхлит ҳолда тасаввур этиб ёндошишга, тушунишга, яъни, бир семестр, ёки ўқув йили бўйича яхлит ўқув жараёнининг бошланиши, мақсадидан тортиб, эришиладиган натижасини кўра олишига ёрдам беради. Айниқса, технологик картани талабанинг имконияти, эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда тузилиши, уни шахс сифатида таълимнинг марказига олиб чиқишга олиб келади. Бу эса ўқитишнинг самарадорлиги ошишига имкон яратади.



Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. (янги таҳрир) 2000 йил 26 май, Тошкент.
2. “Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширишларнинг аҳамиятини ошириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 сентябрдаги 365 сонли қарори.
3. Каримов И. А. 2015 йилда иқтисодий-иқтисодимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларига ва 2015 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган мажлисидаги маъруза. 2015 йил, 16 январь. – Халқ сўзи, 2015 йил, 17 январь.
4. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. – Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 28 январь.
5. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. – Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 6 декабрь.
6. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
7. Ўзбекистон Республикаси Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари ЎБАМА. Т.: 2004й.
8. Адамс Р. Основы аудита: Пер. с англ.; Под ред. Я. В. Соколов – М.; Аудит. ЮНИТИ. 1995 г.
9. Аренс А., Лоббек Дж, Аудит: Пер. с англ.; Гл. Редактор серии проф. Я. В. Соколов. – М.: Финансы и статистика. 1995 г.
10. Аудит Монтгомери. Ф.Л. Дефлиз, Г.Р.Дженик, В.М. ОРейлли, М.Б.Хирш: Пер. с англ., Под ред. Я.В.Соколова. М., Аудит. ЮНИТИ. 1997 г.
11. Аудит: Учебник для вузов. Под ред. В.И.Подольского. М. ЮНИТИ. 2001 г.
12. Додж Р., Краткое руководство по стандартам и нормам аудита: Пер. с англ; предисловие С. А. Стукова. – М.: Финансы и статистика; Юнити. 1992 г.
13. Жак Ришар. “Аудит и анализ хозяйственной деятельности предприятий” Москва “Аудит” Изд. “ЮНИТИ”. 1997 г.



14. Кармайл Д.Р., Бенис М. Стандарты и нормы аудита: Пер. с англ. М.:Аудит. ЮНИТИ. 1995 г.
15. Робертсон Дж. Аудит: Пер. с англ. М.: KPMG, Аудиторская фирма «Контакт», 1995 г. 5 с.
16. Тулаходжаева М.М. Корхоналар молиявий ҳоатининг аудити. – Т.: Иқтисод ва ҳуқуқ дунёси, 1996 йил.
17. Тулаходжаева М.М. Ўзбекистон Республикасида молиявий назорат тизими, Т.: Иқтисод ва ҳуқуқ дунёси, 1998 йил 176 б.
18. Аудит. Тулаходжаева М.М., Жураев Т. И. ва Гулямова Ф. Г. умумий таҳрири остида тайёрланган ўқув қўлланмаси. – Т.: ТДИУ ва ЎБАМАМ, 2004 йил.